

O'zbekiston ovozi

ҚАҲРАМОН ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА ХОТИРАСИГА ЮКСАК ҚУРМАТ-ЭҲТИРОМ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВ
9 МАЙ –
ХОТИРА ВА
ҚАДРЛАШ КУНИ
МУНОСАБАТИ
БИЛАН ҒАЛАБА
БОҒИГА
ТАШРИФ
БУЮРДИ.**

AZIZ JONLARINI
TINCHLIK VA OZODLIK
UCHUN FIDO ETGAN
QAHRAMON
YURTDOSHLARIMIZNI
ONA VATAN HECH
QACHON UNUTMAYDI!

2

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИДА ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАРДАН ҚУТЛОВЛАР КЕЛМОҚДА

Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 77 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар раҳбарлари ва таниқли сиёсий арбоблардан, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этганлар. Табриқномаларда бугунги эркин ва тинч ҳаётимиз йўлида жанг майдонида чинакам қаҳрамонлик, мислсиз жасорат ва матонат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимизга чуқур ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик билдирилган.

Ўзбекистон Президенти ва халқига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик, мамлакатимизга барқарор тараққиёт ва равнақ тилаклари изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз табриқларини йўллаган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**

Қозоғистон Республикаси Президенти

Қосим-Жомарт Тоқаев

Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**

Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**

Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти

Александр Лукашенко

Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси

Гурбангули Бердимухамедов

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти

Нурсултон Назарбоев

Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши Раисининг

Ўринбосари **Дмитрий Медведев**

МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби

Сергей Лебедев.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари бир-бирини, мамлакатларимизнинг биродар халқлари ва фахрийларини Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалаба куни билан самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик, тинчлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари изчил ошиб бораётгани, парламентлар, ҳукуматлар ва ҳудудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо, sanoat кооперацияси, транспорт ва логистика, энергетика, инфратузилма ва бошқа устувор йўналишлардаги қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиб, бўлажак олий даражадаги икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида аграр соҳа учун халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, бу борада етакчи хорижий университетлар билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети (Royal Agriculture University, кейинги ўринларда – ҳамкор университет) билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида **Халқаро қишлоқ хўжалиги университети** (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланганлиги:
аграр соҳани ривожлантириш, жаҳон тенденцияларини ва тажрибасини акс эттиришга мослашган **“илмга асосланган, амалиётга йўналтирилган (science-based, practice-oriented) таълим”** тамойили асосида ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрлаш;

илм-фан ютуқлари ва инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, **агротехнология ва экологик барқарорлик амалиётларини ривожлантириш**, қишлоқ хўжалигида бизнес ва оператив самарадорликни ишлаб чиқишни қамраб оладиган илмий тадқиқотлар олиб бориш;

қишлоқ хўжалиги ходимларини **қайта тайёрлаш** ва уларнинг **малакасини ошириш** ҳамда ўқув тизимини модернизация қилишга қаратилган **янги таълим дастурларини** ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

хорижий олий таълим муассасалари ва ташкилотлар билан **ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, қўшма таълим дастурлари ва лойиҳаларни амалга ошириш;**

б) Университет биттирувчиларига **ҳамкор университетнинг дипломи** берилди.

3. Белгилаб қўйилсинки:
Университет Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети томонидан таъсис этиладиган тўлиқ академик ва молиявий мустақил бўлган давлат иштирокидаги олий таълим муассасаси ҳисобланади;
Университет Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳр, банк ҳисобварақлари, штамп ва бошқа реқвизитларга эга бўлади;

Давоми 2-бетда. ▶



МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Хотира энг ардоқли байрамимизга айланган. Фахрийлар Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, умуман, барча соҳани тараққий эттириш жараёнида фидойилик кўрсатишган. Ватанимиз тарихида уларнинг ўчмас излари бор. Фахрий ва фидойи инсонлар Халқ демократик партияси аъзолари орасида кўпчиликти ташкил қилади.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП фахрийлар кенгаши раиси:

– Улуғларни, кексаларни эъзозлаш оиладан бошланади. Ҳар бир ўзбек хонадониди бобо-бувилар, ота-оналар қадрланади. Партиямиз ҳам бир оила. Жамоамизда биз билан елкадош бўлиб ишлаганлар бор. Биргаликда хотирлаш ва қадрлашга арзийдиган инсонлар бор. Улар билан ҳамқадаммиз, ҳамфикрмиз.

Мамлакатни ривожлантиришда фаол иштирок этган, шу кунга қадар ҳам мардона турган фахрийлар ҳолидан хабар олиш, йўқлаш, бир пиёла чой устида самимий суҳбатлар қуриш бурчимиздир. Фидойи инсонларнинг ҳар бири алоҳида тарих.

Бўритош ШОДИЕВА, "Меҳнат шухрати" ордени, "Ўзбекистон белгиси" кўрк нишони соҳиби, меҳнат фахрийси:

– Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида, шу партиядан депутат бўлиб ишлаган фахрийлар мамлакатимизда парламент фаолиятини йўлга қўйишда, давлат ва жамият бошқарувида, унинг мавқеини мустаҳкамлашда фаол қатнашиганини таъкидлаш керак.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида ишлаш мушкул эди, у пайтда қонунчилик ҳолати оғир бўлган. Қонун лойиҳаларини ишлашда чет давлатлар қонунчилигини ўрганиб чиқардик. Дам олиш, байрам кунлари демасдан, суткада 20 соатлаб ишланган. Биргина Оила кодекси икки ярим йилда ишлаб чиқилган.

Бугун улуғ кунларда яшаймиз. Ўша пайтлардаги суронли даврлар хотирага айланган. Ҳаммамизнинг ўз хотираларимиз бор ва ҳар бир одам ортга қараганида фахрланадиган, ҳеч бўлмаганда, афсусланмайдиган даражада фидойилик билан ишлаши, яшаши керак, деб ўйлайман.

Носир ТОИРОВ, меҳнат фахрийси:

– Кунни кеча Сирдарёда Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан ўтказилган тадбирда қатнашдим. Унда кўплаб фахрийлар иштирок этди. Учрашувда давлатчилик тарихимиз, унда иштирок

этганлар билан боғлиқ хотиралар ҳақида гапириб берилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаги оғир вазиятларни ёдга олиб, бугунги кундаги ўзгариш ва янгиланишлар, кўшни давлатлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланаётгани эътироф этилди.

Тадбирда яна бир нарса эътиборимни тортди. Сирдарёнинг чўлқуварлари ҳақида китоб тарқатилди. Партиямизнинг ҳам китоб қилишга арзийдилик тарихи, келажак авлодга намуна қилиб кўрсатувчи фаоллари, фахрийлари бор. Улар ҳақида китоб чиқарсак, деган таклифни бермоқчиман. Сафимизда эслашга, хотирлашга арзийдиган қанчадан-қанча одамлар бор. Улар ҳақида китоб яратилиши мақсадга мувофиқ.

Дилором АЛИЕВА, меҳнат фахрийси:

– Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида кейинги йилларда катта ўзгаришлар бўлди. Яхши эсламан. Бир пайтларда хотин-қиз депутатлар 3 фоизни ташкил қиларди. Ҳозир бировга айтсангиз, айниқса, ёш қизлар ишонини қийин. Аввал депутатликка номзодликка қўйиш учун маҳалла-маҳалла юрганмиз. Бугун нафақат аёл депутатлар, балки аёл раҳбарлар сони кўпайганидан хурсандман.

Илгари бир ойда бир марта фаол аёллар йиғилиб, фаолиятимизни муҳокма қилардик, келгуси режаларимизни белгилаб олардик. Ҳозир ҳам ана шу амалиётни йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман. Бу орқали фаол аёллар тажриба алмашиб, янада самарали ишлашларига эришилади.

Турдикул МАМАНОВ, халқ депутатлари Деҳқонobod туман Кенгаши депутати, ЎзХДП фаоли:

– 19 йилдан буён "Шерқўзи" фермер хўжалигини бошқариб келаман. Жамоамиз республика "Ташаббус" кўрик танловида ҳамиси биринчи ўринни олиб келди. Ҳар йили олдимизга қўйган режани 125 фоизга бажаришга эришяпмиз.

Бугунги кунгача электротат мурожаатлари асосида 90 га яқин депутатлик сўрови жўнатиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилишига эришилди. Депутатлар ҳамиси халқ орасида. Нурунийларни шундай улуғ кунларда йўқлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш аънаанага айланган.

Туманимизда ҳам кўплаб фахрийлар, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 100 ёшли Абдулхаким Жабборов хонадонига бориб, улар билан дилдан суҳбатлашдик, улардан кўра, ўзимиз кўпроқ хурсанд бўлдик.

Гулрух САЙФИДДИНОВА тайёрлади.

"ХОТИРА – АЗИЗ, ҚАДР – МУҚАДДАС"

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши томонидан 9 май – Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан "Хотира – азияз, қадр – муқаддас" шиори остида тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Бу каби тадбирлари вилоятнинг барча шаҳар ва туман партия кен-



гашлари томонидан ташкил этилмоқда.

Ўқтам СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши масъул ходими.



АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши томонидан НамДУ филология факультети ҳамкорлигида авлодлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ёшларда кексаларга ҳурмат руҳини шакллантиришга қаратилган "Кекса авлод ўғитлари" лойиҳаси доирасида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қароний зиёратгоҳида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши масъуллари, Фахрийлар кенгашининг шаҳар ва туманлардаги аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, НамДУ 2-босқич талабалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси Илҳомжон Атабаев, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати Бозорбой Ҳайдаров, Фахрийлар кенгаши раиси Абдурашид Убайдул-

лаев ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси вилоят бўлими раҳбари Зиёвуддин Мансуров томонидан давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 15 мартдаги "Нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти бўйича фирмулоҳазалар билдириш баробарида, фахрийларнинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини эътироф этдилар.

Шунингдек, устозларнинг бой тажрибалари тадбирда иштирок этаётган ёшларга ўрнатилган сифатда тилга олинди ва тадбир давомида иштирокчилар Султон Увайс Қароний зиёратгоҳидаги мавжуд кутубхона ҳамда музей фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши.



ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ЭНГ ЮКСАК МУКОФОТ

Хотира ва қадрлаш. Бу тушунчалар замирида халқимизга хос эзгу фаилатлар мужассам, инсон зоти нақадар азияз, мукаррамлиги ўз ифодасини топган.

Бу санада ўтганлар номи ёдга олиниб, кекса авлод вакилларига меҳр-муруват, алоҳида эъзоз, эҳтиром кўрсатилади. Аслида ҳам ёши улуғ инсонларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга ғамхўрлик қилиш одамийликнинг файзи ҳисобланади.

Хотира ва қадрлаш кунни арафасида кексаларга эҳтиром кўрсатиш тадбирлари янада кенгайди. Жумладан, "Тошкент сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари Чирчиқ очик сув хўжалиги иншоотида бир гуруҳ фахрий нурунийлар ҳолидан хабар олди. Сув таъминоти тизимида узоқ йиллар ишлаб, нафақад бўлган соҳа ходимларига байрам дастурхони ёзилиб, уларга пул мукофоти ва совғалар топширилди.

Тарих саҳифаларига ўчмас ҳарфлар билан битилган уруш ва меҳнат фахрийларининг жасорати, мардлиги, матонати, заҳматли меҳнати олдида таъзим қилиш, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизга шукрона келтириш, мустақилликдек азияз неъматнинг қадрига етиш лозимлиги таъкидланди.

– Барча фахрийларни қақриб, мана шундай эъзозлаганликларидан бағоят мамнунмиз, – дейди сув таъминоти соҳасида 18 йил масъул вазифаларда ишлаб, пенсияга чиққан Туроб Абдуллаев. – Халққа хизмат қилиш, унинг дуосини олиш ва мукофоти сазовор бўлиш энг юксак муқомат. Сув таъминоти ходимлари мана шундай заҳматли ишларни

амалга ошираётганликлари таҳсинга сазовор. Уларнинг ишларига ривож, оиласига тинчлик, соғлиқ-саломатлик тилайман.

– Сув таъминоти соҳаси дунёдаги энг шарафли ишлардан, умримнинг 67 йилини шу хизматга бағишладим, – дейди Ернест Бабаджонов. – Пенсияга чиққанымда ҳам менинг кетишимни хоҳламай соҳага янги кириб келган ёшларга маслаҳат ва соҳанинг сир-синаотини ўргатишни сўраб, ишлашни таклиф қилишди. Бундан жуда мамнун бўлдим. Бугун тадбир баҳона қадрдон ҳамкасб дўстлар, соҳада меҳнат қилаётган инсонларни кўриб юракдан тадбир ташкилотчиларидан миннатдорлигимни айтмоқчи эдим. Яна бир гап, инсон учун энг катта бойлик – тинчлик ва соғлиқ. Яратганга шукр, бугун юртимизда ана шу икки масалага жуда катта эътибор қаратилмоқда. Албатта, бунинг қадрига етиш керак. Фахрийларга бўлган эътибордан бошимиз кўкка етди.

Аслида, инсон қадрини улуғлаб, соҳа фидойиларига кўрсатилаётган эҳтиром халқимизнинг нечоғлик меҳр-оқибатлилигини кўрсатади. Бундай тадбирлар нурунийларимизнинг ибратли фаолияти, ҳаёт йўлидан намуна олиш, уларни ардоқлаш борасидаги ишларни янада кенгайтиришга давъат этиши билан аҳамиятлидир. Байрам тадбирида эл севган санъаткорларнинг чиқишлари иштирокчиларга ўзгача кайфият бахш этди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



СИЗ ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДАСИЗ!

Юртимизда ўтганлар хотирасини эъзозлаш, бугунги тинч, осойишта кунларга етишимизда фидойилик кўрсатган фахрийлар, нуруний отахону онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш эзгу аънаанага айланган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан республиканинг барча ҳудудларида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунни

муносабати билан "Сиз эътибор ва эъзоздасиз" шиори остида бир қатор байрам тадбирлар ўтказилиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олинмоқда.

Хусусан, партиянинг Миробод туман кенгаши вакиллари ва депутатлар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси — 99 ёшли Вера Павловна Черванова хонадонига ташир буюриб, ҳолидан хабар олди. Партия вакиллари ва депутатларнинг байрам совғалари топширилди.

"Халқимизнинг бугунги тинч-хотиржам, осойишта ҳаёти учун курашган инсонларни доимо хотирлашимиз, уларнинг қадрига етишимиз лозим, – дейди, Ўзбекистон ХДП Миробод туман кенгаши раиси И.Нурмухаммедов. – Вақт ўтаверади. Лекин, одамлар тинчлиги учун чин юракдан қилинган эзгу амаллар авлоддан-авлодга ўтиб, қалбларда умрбод сақланиб қолади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши.

PLENUM

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

МАҚСАД ВА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди.

Унда партия Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари



Улуғбек ИНОЯТОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
раиси, Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари:

– Кейинги беш йилда ўтказилган ислохотлар натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Янги босқичнинг асосий устувор йўналишлари 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилди. Йўналишлар марказига “Инсон қадрлари учун” тамойили қўйилди. Бу аввало, жамиятда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш олий мақсад қилган инсонпарвар давлат барпо этиш вазифасидир.

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислох қилишда 2017-2021 йилларда эришилган муҳим натижалар асосида амалга оширилаётган янги Тараққиёт стратегияси

нафақат узоқ ва ўрта муддатли ривожланиш мақсадларидаги изчилликни белгилаб беради, балки ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар ҳаракати ва самарадорлигини янада кучайтириш, уларнинг ижтимоий самарасини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу ҳужжат партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдига ҳам долзарб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифа ва устувор мақсадларни қўймоқда. Ва бу вазифаларга дастурий мақсадларимизнинг ҳамоҳанглиги мамлакат тараққиётининг янги босқичида партия зиммасига нафақат ислохотларни кенг ижтимоий-сиёсий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, балки уларни амалга оширишда фаол иштирок этиш вазифасини оқлайди. Жойлардаги депутатлик бирлашмалари ва партия ташкилотларининг амалий фаолияти самарадорлигини баҳолашга ўз ўзини танқид қилиш жиҳатидан ёндашиш зарур.

Тўғри, миқдорий кўрсаткичлар маҳаллий партия ташкилотлари ва жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаоллиги сезиларли ошганидан далолат бермоқда. Айниқса, “Депутат – маҳаллада” каби ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда буни яққол кўриш мумкин.

Бироқ доимий равишда умумлаштириб бориладиган статистик кўрсаткичлар партиянинг 27 та устувор дастурий вазифа бўйича парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати объекти ҳисобланган Президент Фармон ва қарорлари, қонунларнинг ҳудудларда бажарилиши самарадорлигини тўлақонли баҳолаш имконини бермайди.

Шунингдек, депутатлик бирлашмалари ва партия ташкилотлари фаолияти маълум мурожаатларни ҳал этиш билан бирга, маҳалла, туман, шаҳар, вилоят ва бутун мамлакат миқёсида партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро ҳолати ҳақида аниқ хулоса шакллантирмайди.

Шу муносабат билан фаолиятимизнинг

раҳбарлари, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари иштирок этди.

Пленумда 2019 йилда қабул қилинган партия Сайловолди дастури ижроси ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда партиянинг фаол иштирокини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

барча даражасида парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, электоратимиз учун муҳим бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишда амалий кўмак беришнинг дастурий-мақсадли усулларига ўтиш таклиф қилинади.

Яъни, ҳар бир аниқ вазиятда бажарилганлик ҳолатини қайд этиб қолмасдан, тегишли қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ равишда белгиланган вазифалар ижросига эришиш талаб этилади. Шу мақсадда маҳалла, туман, шаҳар ва вилоятларнинг ижтимоий ривожланиш ҳолатини тизимли равишда мониторинг қилишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича партиянинг Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари даражасида йиллик назорат тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ва умумлаштириб бориш лозим.

Бунда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, назорат тадбирлари натижалари бўйича эришилши кутилаётган мақсадли кўрсаткичлар ва натижаларни аниқ белгилаб олишимиз керак.

Шу муносабат билан, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасига депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш методикасини ишлаб чиқиш, партия гуруҳлари раҳбарлари ва маҳаллий ташкилотлар фаоллари учун ўқувларни ташкил этиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан “Жойларда давлат ҳокимияти идоралари қабул қиладиган қарорларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қайд этиш бўйича ягона электрон тизим”да нашр этиладиган маҳаллий Кенгашлар қарорларининг тизимли мониторингини олиб бориш, уларни қабул қилинишига туман ва шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳларининг таъсири даражасини баҳолаш мақсадида ташкиллаштириш зарур.

“Қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” ва “Менинг фикрим” порталлари ишини мониторинг қилиш шуни кўрсатадики, айрим истиснолардан ташқари, мазкур порталларда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни киритишда халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари ва маҳаллий партия ташкилотлари деярли иштирок этмайди. Бунга эътиборга олган ҳолда, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлар томонидан электорат манфаатларига хизмат қиладиган масалалар юзасидан жамоатчилик муҳокамасига қўйилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини кенг муҳокама қилишда фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётини эҳтиёжларини амалга оширишга таъсир кўрсатадиган ҳужжатлар лойиҳасини кенг муҳокама қилишда фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқ.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ижросини таъминлашда “партия фракцияси – Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, вилоят кенгашлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ҳамда туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари – маҳалладаги депутатлар” тизими доирасида вертикал тизим бўйича партиядан сайланган депутатларнинг ўзаро ҳаракатини ташкил этишимиз мақсадга мувофиқ.

Бу борада Халқ демократик партиядан сайланган депутатлар фаолият юритмаётган маҳалларда аҳоли билан ижтимоий-сиёсий ишларни ташкил этишга бошланғич партия ташкилотларини кенг жалб этиш лозим.

Депутатлар ва бошланғич партия ташкилотлари ишини самарали ташкил этиш мақсадида маҳаллардаги ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари билан ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишларини ташкил этишга аҳамият қаратиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА

82 та вазифа белгиланган. Шундан 55 тасини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, 27 тасини парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали амалга ошириш кўзда тутилган.

ҲОЗИРГАЧА...

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан боғлиқ 55 та устувор мақсаднинг 36 тасига эришилган, 19 таси амалга ошириш босқичида турибди. Парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ 27 та йўналиш бўйича жойларда тегишли чоралар кўрилмоқда.

ПАРЛАМЕНТДАГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг манфаатлари ва ҳаётини эҳтиёжлари билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қонунчиликни инвентаризация қилиш ишларини амалга оширди.

Хусусан: 5 та дастурий устувор мақсад партия фракцияси иштирокида қабул қилинган қонунларда ўз аксини топди.

2020 йилда

“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги;
“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги (янги таҳрир);
“Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги;
“Таълим тўғрисида”ги (янги таҳрир) қонунлар қабул қилинди;
“Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонунга партия манфаатларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгариш киритилди.

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ

“Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда қабул қилишда иштирок этди.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ТАКЛИФ ЭТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРГА АСОСАН

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунда аёлларга ёшга доир пенсия тайинлашда ҳисобланадиган иш стажига 18 ёшгача бўлган ногирон фарзандига қараган вақти, шунингдек, умумий ҳисобда фарзандни боқиш бўйича таътил даври амалдаги 3 йилдан 6 йилгача ҳисоблаш назарда тутилди.

ПАРЛАМЕНТ, ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ БЎЙИЧА:

2021 йил давомида фракция ташаббуси билан 2 та парламент сўрови юборилди. 2 та парламент эшитиши ва 3 та Ҳукумат соати ўтказилди.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ НИМА БЎЛДИ?

Фракция аъзолари мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш бўйича давлат идоралари раҳбарларига 97 та депутат сўрови юборди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессияларида 47 та масала, туман ҳамда шаҳар Кенгашлари сессияларида 818 та масала кўриб чиқилди.

ЎЗХДПНИНГ ИЖТМОИЙ ЛОЙИҲАЛАРИ

“Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Меҳр дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг муаммолари ўрганилиб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.
Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, оғир ижтимоий аҳволдаги аёллар ва бошқа ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларига ҳомийлар, депутатлар ёрдамида молиявий кўмак берилди.

“ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

партия фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги 1600 нафарга яқин депутат томонидан маҳалларда 8 мингдан ортиқ учрашувлар ўтказилди, 2 миллион 120 минг нафардан кўпроқ фуқаро қамраб олинди.

МАСЪУЛИЯТ

Пленумда сўзга чиққанлар кейинги йилларда парламент даражасида тизимли йўлга қўйилаётган депутатлик назорати тажрибаларини халқ депутатлари вилоят, ундан кейинги босқичда туман, шаҳар Кенгашлари амалиётига жалб этиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашишни доимий йўлга қўйиш, шу орқали парламент, депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини маҳаллалар даражасига етказиб бориш бўйича таклифлар билдирди.

Тараққиёт стратегияси ижросида фаол иштирок этиш учун партия фракциясидан бошлаб туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари – маҳалладаги депутатларгача бўлган тизим бўйича ишлаш йўлга қўйилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Тараққиёт стратегиясидаги 100 та устувор мақсаддан 34 таси адолатли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва инсон капитални ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни кўзда тутди. Шулардан 53-мақсаддан 64-мақсадгача аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш белгилаб берилган. Улар партия сайловолди дастуридаги вазифалар билан ҳамоҳангдир. Дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда Халқ демократик партияси фракцияси, жойлардаги партия ва депутатлик кенгашлари тиббиёт соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини изчил олиб бориш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда, февраль ойида фракциямиз аъзолари бир гуруҳ депутатлар билан бирга Президентимизнинг «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирларни тўғрисида» ги Фармон ижросини жойларга чиққан ҳолда ўрганди. 2021 йилда ишга тушириш режалаштирилган оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти мониторинг қилинди. Албатта, депутатларнинг ўрганишларидан мақсад юзага келаётган масалаларга биргалликда ечим топиш, ҳудудлар миқёсида ҳал этилиши қийин бўлаётган ҳолатларни мутасадди идоралар билан бирга муҳокама қилиб, халқимизга манфаати тегадиган амалий натижа учун ҳаракат қилишдан иборат.

Эндиликда 105 та ОШП ва 31 та ОПларнинг ташкил этилиши, репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатишда 46 та туманлараро перинатал марказлар ташкил этишнинг боришини, дори-дармон ва тиббий буюмларни аҳолига арзон ва сифатли етказиб бериш борасида олиб борилаётган ишлар, аҳоли учун кафолатланган ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация вазиталари билан таъминлаш, пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш борасида қилиниши керак бўлган, бажарилаётган ишларни жамоатчилик асосида тизимли назоратини олиб бориш билан бирга ҳар чоракда график асосида ўрганиш, маълумотларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда манзилли ишларимиз керак бўлади.

Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Партиямиз Сайловолди дастурида амалга оширилган ишларнинг натижадорлиги бевосита партия ташкилотлари ва депутатлик бир-



лашмаларининг ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик ва уйғунликдаги фаолиятининг махсули, десак тўғри бўлади. Мамлакатимизда яратилган янги тизим "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари" ҳамда "Меҳр дафтари" биринчи навбатда бизнинг партиямиз электоратини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилгандир. Мазкур тизим билан эндиликда манзилли ва самарали ишлаш ташкил этилмоқда.

Аксарият ҳолларда партия гуруҳлари масалани муҳокама қилиб олиб чиқиш билан чекланиб, қабул қилинган қарорлар ижроси назоратсиз қолиш ҳолатлари кузатиляпти. Ваҳоланки, энг муҳими, эришилаётган натижадир.

Туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари ташаббуси электорат манфаатларини акс эттирувчи дастурий мақсадларни амалга оширишга қаратилиши лозим. Ҳозир кўпроқ депутатларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари давомида кўтариладиган алоҳида масалаларни ҳал этиш билан чекланиб қолмоқда. Бу борада депутатлик назорати воситалари, шу жумладан, депутат сўровидан етарлича фойдаланиш зарур.

Маҳаллий Кенгашдаги партия гуруҳлари аъзолари ва партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари ўртасида мустаҳкам алоқани ташкил этиш ҳам фаолиятимиз самарасини таъминлайди. Парламент томонидан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, уларга таклифлар беришни янада кучайтириш ҳам жойларда аҳоли, айниқса, чекка ҳудудларда, оғир табиий шароитларда истиқомат қилаётган фуқаролар, хусусан, партия доимий электорати вакиллари йўлантираётган масалаларни аниқлаш ва ечимига эришишга қаратилган масалалар илгари сурилишида муҳим ўрин тутди.

Элмира БОСИТХОНОВА, Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:

– Яқинда Президентимиз 2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисидаги қарорини имзолади. Унда туғуруқ комплекслари, 46 та туманлараро перинатал марказлари ва болалар муассасаларини таъмирлаш, ичимлик суви, кислород билан таъминлаш масаласидаги ишлар ҳокимликларга юклатилди. Маҳаллий Кенгашдаги партиямиз гуруҳларига ҳокимликлар олдига масалаларни қўйиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, сессияларда жиддий муҳокама қилишни таклиф қиламан.

Аслида бу масалалар 5 йилдан бери илгари суриляпти. Лекин ҳокимликларнинг эътибори етарли бўлмагани учун ишлар оқсаб қолди. Туманлараро перинатал марказлар гўдакларимизнинг оғир шароитдаги ҳаётини сақлаб қоладиган маскан ҳисобланади. Бунга эса алоҳида шарт-шароитлар керак. Уларни таъминлаш ҳокимликлар томонидан назоратга олинмас экан, болалар ўлими камаймаслигининг кузатувчиси бўлиб қолаверамиз.

Бутун дунёда раҳбарлар фаолиятининг даражасини кўрсатиб берувчи 3 та индикатор бор. Уларнинг биринчиси – ҳаёт давомийлиги, иккинчиси – оналар ўлими, учинчиси эса болалар ўлими ҳисобланади. Мана шу иккинчи ва учинчи индикаторнинг туғуруқ комплексларга боғлиқлигини эътиборга олиб, ҳокимликлар олдига талабларни

юқори қўйиш партия вакили, депутатларнинг муҳим вазифаларидан саналади.

Баҳодир УМРЗАҚОВ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари:

– Ўтган давр бизнинг жамиятимиз, давлатимиз ва иқтисодиётимизда кескин бурилиши даври бўлди, десам адашмаган бўлман. Янги Ўзбекистон шароитида аҳолининг ҳаёт даражаси, турмуш сифатини оширишга қаратилган қатор самарали ишлар амалга оширилди. Ҳаракатлар стратегияси бўйича қилинган ишлар ижтимоий, иқтисодий, молиявий механизмларни шакллантиришга қаратилган бўлса, Тараққиёт стратегияси ўтиш даврида барча шакллантирилган механизмларни фаолият сифатини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

2018-2019 йилларда бор-йўғи 30-35 минг нафар фуқаро ўқитилиб, шулардан 10 минг нафарга яқини аёллар бўлган бўлса, ўтган йили илк бор 120 минг нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилди. Натижада кўплаб хотин-қизлар касб-хунарни бўлиши. Уларнинг уйида ишлаши, тадбиркорлик қилишлари учун барча қонуний имкониятлар яратилди. Аёллар орасидаги ишсизлик даражасини кескин камайтиришга эришилди.

Янги иш жойларини барпо қилиш партиямизнинг ҳам назоратида турибди. Олдинги йилларда қўшиб ёзишлар, ёлғон маълумотлар бўлган бўлса, бу йил электрон тарзда ташкил этилиб, қонунбузарлик, суистеъмолликларнинг олдини олиш режалаштирилган.

Назира МАТЯҚУБОВА, "Қорақалпоғистон тонги" газетаси бош муҳаррири, Жўқорғи Кенгес депутати:

– Депутатлар, туман-шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳам ваколатлардан фойдаланишяпти. Жумладан, янги ташкил этилган ҳоким ёрдамчиси, аёллар фаоли, ёшлар етакчилари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишган. Масъул лавозимларнинг ташкил этилганига жуда қисқа вақт ўтган бўлса ҳам, бу йўналишларда ишлар ўз самарасини бераёпти. Улар билан ишлашнинг афзал томони шундаки, бу лавозим эгалари аҳолига энг яқин бўлган ҳисобланади. Маҳаллаларнинг ичида бутун ҳудуд муаммоларини яқши билади, одамларни нималар йўлантираётганидан хабардор.

2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, янги ташкил этилган корхоналардаги иш ўринларини аниқлаб, электорат вакиллари учун ерга жойлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Биз Жўқорғи Кенгес депутатлари ҳар ойда 10 кун ўз сайлов округларимизда бўлиб, ҳақиқий аҳволни ўрганимиз.

Бу ойдаги жараёнда Тўрткўл туманида кам таъминланган оилалардаги аёллар, уюлмаган ёшларни сават тўқишга ихтисослашган МЧЖда ишлаш имконияти яратилди. Уйда ўтирган аёлларни мана шундай ишларга жалб қилиш ҳаракатидамиз. Албатта, келажакда бу йўналишдаги ишларимизни янада ривожлантиришимиз талаб этилади.

Аёллар фаоли, ёшлар етакчиси билан ишлашда партиямизнинг аёллар ва ёшлар қаноти фаолиятини уйғунлаштирган ҳолда тадбирлар



ўтказиб, янги лойиҳалар амалга оширилса, янада фойдали бўлади. Президентимиз ташаббуси билан бу штатларнинг ташкил этилишидан асосий мақсад камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш бўлса, бу бизнинг дастурий мақсадларимиз билан ҳамоҳангдир.

Шохруҳ ЎКТАМОВ, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

– Кўп ҳолларда маҳаллий Кенгаш депутатларининг қанчалик фаол ишлаши туман, шаҳар партия Кенгашлари раисларига боғлиқ бўлиб қолади. Раисларнинг маҳаллий Кенгашлар депутати бўлиши ёки партия гуруҳларига раҳбарлик қилиши депутатлар ишида самара бўлишини таъминлайди, назаримизда. Келгусида раисларнинг депутатликка сайланишида янада фаол бўлишни режалаштирганимиз.

Депутатлар сессияларга масалалар киритишади. Аммо кўпинча фақат қарор қабул қилиниши билан чекланади. У қарорлар эса ишлаши керак. Партия гуруҳлари аъзолари уларнинг назорати бўйича ҳам фаол бўлиши керак. Ёшлар ўртасида депутатликка қизиққан ёшлар билан ишлашни бошладик. Улар сайлов, сайланиш, сайловчилар билан ишлаш масалаларида ўргатилиб бориляпти. Уйлаймизки, келгуси сайловларда маҳаллий Кенгашларга партиямиздан кўплаб ёш вакиллар сайланишида бу яхши натижа беради.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши Фахрийлар кенгаши раиси:

– Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ривожланиш йўлида туб бурилиш ясаб берди. У мамлакатимизнинг дунё ҳам-жамиятидаги имижини яратишда ҳам база бўлиб хизмат қилади. Партиянинг бу соҳадаги иштироки, уни амалга оширишдаги кўмаги қандай бўлиши керак? Инсон капитали иштирокисиз, сифатли иштирокисиз стратегияни амалга оширишда қийинчилик бўлиши мумкин. Янги Ўзбекистонда инсон капиталига эътибор бериш ва ундан сифатли фойдаланиш жуда муҳим. Ёшларнинг таълим соҳаси, хотин-қизларни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш масаласига катта эътибор берилмоқда. Ҳудудларда кўплаб янги олий ўқув юртлари очилляпти. Таълим олиш бўйича квоталар, имтиҳонлар бўйича имтиёзлар берилляпти. Қизларнинг имтиҳонсиз қабул қилиниши 30 йиллик тарихда кузатилмаган.

Партия ташкилотлари, депутатлар ажратиладиган харажат, берилаётган эътибор, яратилаётган қонуний имтиёزلардан яхши фойдаланиш бўйича одамларнинг электорат қатламини ўзгартиришлардан хабардор қилиш керак.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА
тайёрлади.

MUNOSABAT

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

www.uzbovozi.uz

ЯНГИ ТУМАННИНГ ИСТИҚБОЛИ

ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРДАН БОШЛАНДИ

Эрта тонг. Кўкдала маҳалласи ўртасидаги педагогика коллежи биноси янги ҳокимлик учун вақтинчалик қўналға. Кўп қаватли бинонинг ҳовлиси ва ташқи томони шунчалик мева ва манзарали дарахлар билан қопланганки, сув тақчил бўлган бу кенгликларда шундай яшил макон барпо этганларга чексиз эҳтиром сезасиз қалбингизда.

Янги туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғини кўргандаёқ юрагимнинг уриши тезлашиб кетдию мен билан бундан ўттиз йил бурун вилоят газетасида бирга ишлаган Муродилла Кенгбевни эслатди, ўшандай бўйдоқ, меҳрли кўзлар... Қаранг, вақтнинг ўтишини! Шу инсоннинг ўғли Абдираззоқ экан, масъул лавозимда ишларкан. Кучоқ очиб кўришдик. Раҳматли отаси, истеъдодли журналист Муродиллани ёд олдик.

У «Чиял» қишлоғидан эди. Битта ном билан аталса-да, ўнлаб қишлоқларни бирлаштирган, тую ўрқачига монанд бу кенгликларда 70 мингдан ошқ аҳоли истиқомат қилади. Чорва яхши ривож топган. Муродилла тараққиётдан ортда қолаётган туман, пахса деворли мактаблар, ишсизлик ҳақида куюниб гапирганини ҳозир ҳам яхши эслайман. Шу дамда тарихга бир назар солгим келди.

КЎКДАЛАНИНГ ТАРИХИ

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида Кўкдала тумани ташкил топган. Ўшанда Чироқчи тумани фирқа кўмитасига бўйсунар, фақат ижрокўм тузилган. Уч-тўрт йил ўтмай, Кўкдала тумани тугатиб юборилди. Сув етишмас, сугориладиган майдонлар оз, лалми бўғдой ва арпа осмондан тушадиган тириклик неъматига – ёмғирга қараб қоларди. Битта пахта тозалаш заводи бўларди. Саксонинчи йиллар охирида Қашқадарё вилоятининг тараққиётдан ортда қолаётган Деҳқонobod ва Чироқчи туманларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан республика ҳукуматининг қарори чиққанди. Туманларни қолоқликдан чиқариш борасидаги уриниш эди бу. Аммо кўп ишлар чала қолиб кетди.

2018 йил охирида Қашқадарё вилоятдан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар Чироқчига келиб, Ўн кун давомида аҳолини ўрганишди. Мен ҳам уларга ҳамроҳ эдим. Рост, юзлаб муаммолар, долзарб бўлиб турган масалалар аниқланди. Тавсиялар берилди. Натижада иқтисодий ночор туманни тараққиёт элтириш мақсадида республика бюджетидан катта маблағлар йўналтирилди. Янги мактаблар, шифоналар қурилди, давлат ҳисобидида болалар боғчалари таъмирланди. Айтиш мумкинки, ҳозир туманда бирорта пахсадан тикланган мактаб йўқ. Олдинги ва ўтган йил давомида 17 та янги мактаб қуриб берилди.

Чироқчи туманида жами 22 минг 700 гектар сугориладиган, 100 минг гектардан ошқ лалми ерлар бор. Яйловлари катта, чорвачиликни изчил ривожлантиришнинг улкан захиралари, энг муҳими, инсон омилига эга чироқчиликлар мамлакатда энг кўп гўшт, сут, жун етиштири оладиган эл. Ўтган йили туркиялик ҳамкорлар билан бирга Кўкдала қишлоқларида катта тоқзор ва мевазорлар яратилди. Бироқ сув етишмагач, 20-25 фоиз ниҳоллар қуриб қолди. Ҳозир ўрнига янгилари экилган. Боси, электр тез-тез ўчиб туради. Натижада давлатимизнинг катта маблағи эвазига «Чорвадор» нимстанциясида қуввати 16000

ва 10000 киловольт-ампер, «Кўкдала» нимстанциясида 25000 киловольт-ампер қувватли трансформаторлар ўрнатилди. Энди Чироқчи ва янги Кўкдала туманларини электр энергияси билан таъминлаш тубдан яхшиланди.

Ўтган йили қашқадарёлик сайловчилар билан учрашувда Президентимиз кўп масалалар қаторида Чироқчи туманини иккига бўлиш, янги Кўкдала туманини ташкил этиш истиқболлари ҳақида гапирганди. Шундан кейин тайёргарлик ишлари бошланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2 мартда ва Сенати 17 мартда «Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани чегараларини ўзгартириш ва Кўкдала туманини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларни қабул қилди. Шу йилнинг 19 апрель куни Президентимизнинг «Қашқадарё вилояти таркибида Кўкдала туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди. Унда ҳокимлик бўлинмалари, штат бирликлари, ходимлар сони ва бошқа масалалар тўлиқ қамраб олинди. Янги туман ҳокимлиги Кўкдала маҳалласи худудидаги педагогика коллежининг бўш турган қисмида фаолият юритиши ҳам кўрсатилганди. Бундан ташқари, Қурилиш, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Молия вазирликлари ва «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» давлат унитар корхонаси билан биргаликда уч ой муддатда Кўкдала тумани маъмурий-ҳудудий чегараларини ҳисобга олган ҳолда, 2040 йилгача бўлган бош режасини ишлаб чиқиш белгилаб берилди.

Кўкдала маҳалласида Абдираззоқ билан бошлашиб, адирларга, тарвуз палакларига барқ уриб турган полизга яқинлашамиз. Ҳадемай, Қашқадарё вилояти тарвуз етиштирувчилар уюшмаси раҳбари Улуғбек Жуманазаров ҳам етиб келади. «Очилбобо» фермер хўжалигига қарашли 1,5 гектар ерни ижарага олган 25 ёшли деҳқон Абдималик Шайманов билан суҳбатлашамиз. Анча йилдан буён полизда меҳнат қиларкан. Камида 80 метр қазиб, ер остидан сув чиқаришибди. Тарвуз уруғи Голландиядан келтирилган. «1000 дон уруғ 40 доллар туради», дейди Абдималик. Сугорилган, озиклантирилган тарвуз палакларига ҳосил нишонлари кўп.



“УЛУҒБЕКЖОН, МЕН СИЗНИ ТАНИЙМАН, ЯХШИ МЕҲНАТ ҚИЛАЯПСИЗ”

– Шу полизчилик, хусусан, эртачи тарвуз етиштириш бизни юртга, элга танитди, – дейди Улуғбек Жуманазаров ҳаяжон билан. – Президентимиз яқинда Кўкдала тумани ташкил этилганини ўз оғизлари билан айтиб, аҳоли вакиллари билан суҳбатлашгани келганларида, бирдан «Улуғбекжон, мен сизни танийман, яхши меҳнат қилаяписиз», деб қолсалар бўладими. Мендек оддий бир инсонни шунча кишилар орасидан таниганлари, ишимизга яхши баҳо берганларидан бошим кўкка етди. «Раҳмат», дедим ҳаяжонланганимни яширолмай. Кейин давлатимиз раҳбари янги туман истиқболлари ҳақида гапирганларида: «Сизларга тажрибали ҳокимни олиб келдим», дедилар. Шу пайтгача Чироқчи туманини бошқариб келаётган Хуррам Жўраев янги туман ҳокими бўлди. Арзийди, илмли, яхши ташкилотчи. Биз ҳам қўллаб-қувватлаб, маслаҳатимизни аямаймиз. Энди тарвуз етиштириш ва полизчилик ҳақида айтисам, Кўкдала вилоят бўйича 60 фоиз тарвузни етиштириб беради. Экспортга ҳам ортамиз. Томчилатиб сугориш, иссиқхонада эртачи тарвуз етиштириш тажрибалари яхши самара беради. Юртбошимиз айтганларидек, ҳали 10 минг гектарлаб янги ерлар ўзлаштирилади.

Учрашув ва суҳбатлар янги санат корхонаси биносига бўлиб ўтганди. «Чироқчи» пахта етиштириш кластери «Само» трикотаж маҳсулотлари фабрикасини қуриш учун 28 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаган. Хитой давлатидан олиб келинган замонавий

тикув машиналари ўрнатилган, жами 500 ишчи ишлайди. Бу ҳақда корхона муҳандиси Ферузбек Жўраев гапириб берди. Учрашувда мамлакатимиз раҳбари янги туманда кўплаб санат корхоналари, «Янги Ўзбекистон» мавзесини бунёд этиш, янги иш жойлари яратиш, истиқболга оид улғувор режаларни тилга олди.


– Президентимиз менинг олдимда тўхтаб, «хорманг», дедилар, мен ҳаяжонланиб жавоб бердим, – дейди тикувчи Фотима Жўраева. – Бундай улғу кунлар, халққа ғамхўрликларни учун у кишидан ҳамisha миннатдоримиз. Мен ҳозир йигирма тўққиз ёшдаман, уч ўғлим бор. Умр йўлдошим Россияда ишлаб юрибди, ахир, нима қилайлик рўзгорни тебратиш керак. Мана, мен ишли бўлдим. Умр йўлдошим ҳам қайтиб, янги ўзлаштириладиган ерларда деҳқончилик қилса, кам бўлмаймиз. Мен сингари кўплаб хотин-қизлар ишли бўлишди.

Ҳа, булар бошланмиш. Янги Кўкдала тумани истиқболи тарихий воқеалардан бошланди. Биринчи санат корхонаси ишга тушди. Мамлакатимиз раҳбари янги туманнинг ривожига оқ фотиҳа бердилар. Туман нурунийлари шундай, деб фахрланишмоқда.

Асл номингга монанд кўкликка, бойликка тўлгин, Кўкдала!

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган журналист.

ЭЪТИРОФ



ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ

халқаро рейтингдан ўрин эгаллади

Олий таълим муассасаларининг нуфузли халқаро рейтинги ҳисобланган Times Higher Education ўзининг 2022 йил учун Impact рейтингини (THE Impact Rankings 2022) натижаларини эълон қилди. Илк бор юртимизнинг 30 та олий таълим муассасаси ушбу рейтингдан ўрин эгаллади. Ўтган йили ушбу рейтингда 94 та давлатдан 1000 га яқин олий таълим муассасалари иштирок этган

бўлса, 2022 йилда 110 та давлатдан 1500 дан ортиқ олий таълим муассасалари қатнашди.

Қувонарли жиҳати шундаки, ана шу олий таълим муассасаларининг 7 таси тиббиёт олий ўқув юртидир. Жумладан, халқаро рейтингда Тошкент тиббиёт академияси, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент фармацевтика институти, Андижон давлат тиббиёт институти ва

Бухоро давлат тиббиёт институти бор.

Бундай халқаро рейтингларга кириш ҳамда мамлакатимиз олий ўқув юртиларининг халқаро доираларда нуфузини ошириш ишлари Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йилнинг 8 октябридаги фармонида белгилаб берилган. Унга кўра, етакчи университетларни илғор университетларга айлантириш ва улардаги таълим даражасини

дунёнинг 500 та энг яхши университетлари қаторига қўшиш режалаштирилган. 70 дан ортиқ мақсадлар тасдиқланган бўлиб, улар орасида олий таълимга қабул қилиш даражасини 20 фоиздан 50 фоизгача ошириш, нодавлат олий таълим муассасалари, хусусан, давлат-хусусий шерикчилиги асосида 5 фоиздан 35 фоизга, кредит-модул тизимига ўтишни 2 фоиздан 85 фоизга ошириш белгиланган.

Белгиланган вазифаларга мувофиқ, Самарқанд давлат тиббиёт институтида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг институционал, ўқув-педагогик салоҳиятини кучайтириш, ўқув жараёнини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, реабилитология ва спорт тиббиёти соҳасида долзарб муаммолар бўйича илмий-тадқиқотларни тизимли олиб бориш, шунингдек, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 1 апрелдаги қарори билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Самарқанд давлат тиббиёт университети этиб қайта ташкил этилди.

Бугунги кунда университетимизда 9 та факультет, 83 та кафедра бўлиб, 8 мингдан ортиқ талабага 600 дан ортиқ профессор-ўқитувчи дарс бермоқда.

Қарор биноан университет таркибида Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси ва Самарқанд давлат тиббиёт университети ихтисослашган болалар хирургик клиникаси,

Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти ва унинг клиникаси, Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази, Иммунология, аллергология ва инсон геномикси илмий маркази ташкил этилмоқда.

2022-2025 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университетини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилиниб, унга кўра, университетни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда кафедраларини Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларига бириктириш, хусусан, Самарқанд вилояти тажрибасини бошқа тиббиёт олий таълим муассасаларида ҳам татбиқ қилиш белгиланмоқда.

Университетимиз ҳозирги кунда дунёнинг 100 га яқин олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келади. Хусусан, Ҳиндистон, Покистон, Корея, Буюк Британия, Россия ва бошқа давлатлардан талабалар келиб ўқишмоқда. Россия ва Белорусь каби давлатларнинг бир қатор ОТМлари билан қўшма дастур асосида таълим жараёни олиб борилмоқда. Шунингдек, туркиялик шифокорлар билан аъзоларни кўчириб ўтказиш бўйича клиникамида қатор операциялар ҳамда ҳар йили 50 дан халқаро муаммоларга бағишланган анжуманлар ўтказиб келинмоқда.

Соатбой ЙЎЛДОШЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт
университети фармакология
кафедраси муdiri,
тиббиёт фанлари номзоди,
доцент.

MUNOZARA

t.me/uzbekiston_ovozi gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

Тўғриси, "кеча ундай эди, бугун бундай бўлди", деб таққослайвериш кимларгадир малол келиши мумкин. Бироқ ўзгаришларни кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олишнинг ҳам имкони йўқ-да. Одамлар ўзгаряпти, уларнинг қарашлари ҳам, қизиқишлари ҳам каттармоқда. Улар энди ҳокимликлардан, вакиллик органларидан ҳам ўзгариш, ишлашни кутяпти. Буни тушуниб, ҳис қилиб турган масъуллар, мансабдорлар ҳулоса қияпти. Депутатлар ҳам танқидлардан чарчади, ўзгаришга, натижага ҳаракат қияпти.



ДЕПУТАТ ЎЗГАРМАСА, УНГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРМАЙДИМИ?

Яхши депутат бўлиш учун, албатта, ҳокимият билан дучлашиш, мунозараю мулоҳазага киришиш керак. Депутатлик сўрови шу мулоқотнинг энг муҳим шаклларида бири. Бюджетдан ойлик олиб, имтиёزلардан фойдаланувчи мансабдорлар халқ вакиллари олдида ҳисоб беришга, уларнинг сўровларига жавоб қайтаришга қонуниан мажбур экани бот-бот эслатилмоқда. Натияжалар ёмон эмас, сўровларнинг сони ҳам.

ичимлик суви етказиб бериш йўлга қўйилди. Ташкент туман Кенгаши депутати Гавҳар Мирзараҳимова мурожаатлар асосида 2022 йил 10 март куни патанатомия гисталогия марказини очиш учун маблағ ажратиш масаласида ССБ бошлиғига депутатлик сўрови юборган. Масала 4 апрель кунги сессияга киритилган. Натияжада 210 миллион сўм маблағ ажратилган бўлган.

этилатганидан ташқари яна бир муҳим жиҳат бор. Яъни, аҳоли, депутат ва ҳокимликлар ўртасида демократик мулоқот муҳити бор. Қайси ҳудудда шундай муҳит бўлса, муаммоли масалалар кўпаймаганига гувоҳ бўлинади. Бу муҳит нафақат ҳокимликлар, мутасаддилар, балки депутатларга боғлиқ, албатта. Айрим ҳудудларда нимагадир демократик мулоқот муҳити юзага келмаган.

Робия КАЗИМОВА, Бухоро шаҳар Кенгаши депутати: — Депутатлик сўровига муносабат Бухоро шаҳрида анча ўзгарган. Билмадим, масъулларнинг жавобгарлиги ёки шахримиз вилоят маркази бўлгани учунни ҳуқуқий маданият ҳам бошқача. Айниқса, айрим идора ва ташкилотларнинг депутат сўровига беписандлиги ҳақидаги масалани сессияда кўтарганидан кейин, муносабат кескин ўзгарди. Масалан, шу йилнинг 24 февралда юборган сўров узокро муддатда жавоб олган бўлсам-да, масала ижобий ҳал этилди. Масала ўқувчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган эди. Унда шаҳардаги умумтаълим мактаблари олдида ҳайдовчиларни хушёрлигини ошириш мақсадида ўқувчи тасвири туширилган макетлар ўрнатиш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш бўйича тегишли таклифларни ҳокимликка киритиш сўралган. Кечроқ бўлса-да, ечим топилди.

Махфират ХУДОЙҚУЛОВА, Қамаш туман Кенгаши депутати: — "Ғиштли" маҳалласида 6500га яқин аҳоли истиқомат қилади. Худудда ичимлик суви бошқа жойдан ташиб келтирилади. Шу сабабли ўтган йили туман "Сувоқава" филиалига Яккабоғ – Қарши ичимлик суви тармоғидан 800-1000 метрлик линия тортишга амалий ёрдам бериш юзасидан сўров юбордим. Улар билиб-билмай жиноятчиға айланб қилиши мумкин. Крипто-активлар айланмаси соҳасида тартибга солиш махсус режим иштирокчилари рўйхатга олинганидан кейин уч йилдан кўп бўлмаган муддатга лицензия ва рухсатномаларга ружу қўймоқда. Уларнинг аксарияти компьютерга mining қилувчи дастур ўрнатиб олиш жиноят эканини англаб етмаяпти. Амалдаги қонунчиликка кўра, мамлакатимизда miningлар мажбурий рўйхатдан ўтиши, маъзур фаолият билан фақат юридик шахслар шуғулланиши мумкинлиги, тўлов воситаси сифатида криптовалютадан фойдаланиш тақиқланиши белгилаб қўйилган. Уйда, ишхонада ёки бошқа жойдаги компьютерга ўтириб, mining билан шуғулланиш жиний ҳаракат ҳисобланади. Бу ҳақда ёшлар орасида кенг қамровли тушунтириш ишларини ўтказиш, мутасадди ташкилотлар бунга жиддий эътибор бериши зарур. Акс ҳолда, ёшлар

бу масалани еча олмасликларини айтиб, жавоб қайтаришгани. Яқинда вилоят "Сувоқава" ДУКга қайта сўров юбордим. Чунки депутатликка сайланишдан олдин одамлар айнан ушбу муаммони ҳал қилиш кераклигини айтганди. Ишонч билдиришган эди. Биздан 4 километр масофада Қарши — Яккабоғ сув йўли ўтган. Бизга шу тармоққа уланиш учун рухсат берилса, ҳомийлар топган ҳолда бўлса ҳам, тортиб келишга имкон қилган бўлардик. Туманимизда тоза ичимлик суви йўқлиги сабабли бир қанча касалликлар, хусусан, буйрак, жигар, ўт-пуфак билан боғлиқ касалликлар кўпайиб кетган. Боиси, қудуқ сувларининг шўрланиш даражаси баланд. Аҳоли 6 тонна сувни 120-150 минг сўмдан сотиб олишига тўғри келмоқда. Бироқ унинг нархини ҳамма ҳам кўтаравермайди. Ичимлик суви муаммо жойларга "Сувоқава" ДУКнинг ўзи ташаббус билан чиқиши, жойига бориб, масала ечими бўйича фикр ва таклифларни ўрганиши керак, назаримда. Ахир уларнинг вазифаси фақат истеъмол қилинган сувнинг ҳақини ундиришдан иборат эмас-ку. Биз кимдир танқид қилмаймиз, ҳамкорликка чақирамиз. Бошқалар учун жавоб бера олмайман, лекин мен шу кунгача депутатлик сўровларимнинг бирортасига қоникарли жавоб ололмадим. Ҳозир ҳаммасини яна қайта бошлаяпмиз. Одамларнинг фикри, тушунчаси, муносабати ўзгаргандир, деган умид бор.

Марат ИСОҚОВ, Шароф Рашидов туман Кенгаши депутати: — Қонунчилигимизга кўра, депутат сўровига жавоб 10 кундан кечиктирмай ёзма равишда берилиши ва у кимнинг номига юборилган бўлса, ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажарётган шахс томонидан имзоланиши шарт. Кўпинча сўровларга масъуллар эмас, уларнинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари имзо қўйиб жавоб беради. Сўровда билдирилган масала юзасидан манзилга бориб ўрганиш, муаммога ечим топиш тарафда ҳамма ҳам мавжуд эмас. Кўп ҳолларда эътиборсиз, жавобсиз қолаётган сўровлар натижасида одамларнинг кичик масалалари катта муаммога айланиб, тумандан вилоятга, вилоятдан эса республика даражасигача кўтарилиб кетмоқда. Кўплаб масалаларга "келгуси йил дастурга киритамиз", бу йилги дастурда турибди, "ҳал қиламиз" каби мавҳум жавоблар берилади. Афсуски, бу ҳеч кимга сир эмас. Лекин аниқ жавоб олиш учун қандай чора кўриш кераклиги ҳам номаълумлигича қолмоқда. Мисол учун, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига икки йилдан буюн қоникарли жавоб ололмаёпман. Вилоят "Сувоқава" ДУКда Зокир Мамарасулов исмли одам ишлайди. Унга бир неча марта сўров юбордик. Мурожаат билан чиқдик. Ижобий жавоб бўлмади. Бироқ электр таъминоти, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва яна бошқа кўплаб идораларга юборилган сўровларимга қийин бўлса-да, жавоб оляпмиз, муаммо ҳал этиляпти. Тўғри, ҳамма депутатлик сўровларига масала аниқ қўйилмаслиги, ният яхши бўлиб, имконият ҳисобга олинмаслиги мумкин. Муаммо ҳал бўлиш-бўлмастидан, савол тўғри ёки нотўғри қўйилган, деб ҳисобланишдан қатъи назар депутатлик сўровларига жавоб берилиши зарур. Буни талаб қилиш, депутатларга ҳурмат билан муносабатда бўлинишига эришиш аввало, депутатларнинг салоҳияти, ҳамжиҳатлиги ва таъсир кучига боғлиқ экани аён бўлмоқда. Шундай экан, партиямиз халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг сиёсий позицияси ва демократик ҳаракатини мустақамлаш зарур экан, деган ҳулосага келинади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, "Ўзбекистон ovozi" мухбири. **Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

ТЕЗ ТИББИЙ ВА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР*

► ЖОРИЙ ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЯҲОНА ВЕРТИКАЛ БОШҚАРУВ АСОСИДА "103" РЕСПУБЛИКА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ ВА УНИНГ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

- Туманларда қақриувларни қабул қилиш диспетчерлик хизмати тугатилиб, вилоятларда ягона Колл-марказ ташкил этилади.
- Вилоят Колл-марказлари тизимига тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд хусусий клиникалар ҳам уланиши мумкин.
- Тез тиббий ёрдам кўрсатиш бир туман ҳудудида эмас, масофага қараб бутун вилоят бўйича йўлга қўйилади.
- Колл-марказда операторлар билан бирга, алоҳида тиббиёт-маслаҳат бригадаси фаолият олиб боради.

УШБУ БРИГАДА:

- Тез ёрдам бригадаси етиб боргунча қадар, уларга беморнинг аҳволи ҳақида хабардор қилиб туриш;
- Тез ёрдам хизматини ташкил этиш ва рақамлаштириш учун **85** млрд. сўм
- Оила аъзоларига оғир аҳволдаги беморга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича телефон орқали маслаҳат бериш билан шуғулланади.
- Жаҳон банкдан жалб қилинган **5** млн. доллар йўналтирилади

2022-2025 йилларда Тез тиббий ёрдам тизимидаги барча "Дамас" ва бошқа эскирган машиналар замонавий автомобилларга алмаштирилади.

2022 йилда 890 та 2023 йилдан бошлаб эса, ҳар йили 450 тадан янги автомобиль, жумладан, реанимация машиналари олиб берилади.

Тез тиббий ёрдамда қақриувларга етиб бориш вақти 3 баробарга Ушбу чоралар натижасида қисқаради.

ЖОРИЙ ЙИЛ 1 ИЮНДАН БОШЛАБ:

- Тез тиббий ёрдам ва шошилиш хизмат ходимлари ойликлари, тоифасига қараб, **10%** дан **15%** гача оширилади;
- Малакали ва алоҳида натижага эришган тез ёрдам тизими ходимлари ойлигига **100%** гача устама жорий қилинади;

ТУМАН ДАРАЖАСИДА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ ҚАМРОВИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН:

- Барча туман ва шаҳар шифохоналаридаги терапия, педиатрия ва хирургия йўналишида бир-бирини тақдорлайдиган режали ва шошилиш бўлимлар бирлаштирилади;
- У ерда туну-кун ишлайдиган шошилиш ёрдам қабулхоналари ташкил этилади;
- Республика ихтисослашган марказларида ҳам шошилиш ёрдам кўрсатиш амалиёти жорий этилади;
- 1 сентябрга қадар туман тиббиёт бирлашмалари қабулхоналари шошилиш хизмат кўрсатишга мослаштирилади.

@Press_Secretary_Uz

*05.05.2022 йилдаги шошилиш ва тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ҳамда уни аҳолига янада яқинлаштириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши юзасидан

DOLZARB MASALA

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ХАЛҚ ВАКИЛИ ЎРГАНАДИ. МУАММО ҲАЛ БЎЛАДИМИ?



ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛМАСДАН, ОДАМЛАР ОРАСИГА КИРМАСДАН, МАҲАЛЛАМА-МАҲАЛЛА, УЙМА-УЙ ЮРМАСДАН ТУРИБ, ҲУДУДЛАРДА АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ТОПИБ БЎЛМАЙДИ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ, ХУСУСАН, ПАРТИЯМИЗ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ 5-7 МАЙ КУНЛАРИ ҲУДУДЛАРДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШИБ, МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗДИ, МУРОЖААТЛАР ВА МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИ.

Дилбар МАМАЖОНОВА, (112-Водил сайлов округи)

Фаргона тумани "Бўстонабод" маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда депутат Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган ва янги қабул қилинган қонунлар ҳақида тушунчалар берди. Аҳоли муурожаатлари тингланди. Мазкур маҳаллани бошқа бир маҳалла билан боғловчи кўчада ёгин-сочинли кунларда лойгарчилик бўлиши, оқибатда мактабга қатновчи ўқувчилар учун муаммо туғилаётгани айтилди. Мутасаддилар билан ушбу масалани ҳал этиш бўйича келишилди.

Шунингдек, кам даромадли оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олинди. Оилавий тадбиркорлики бошланғич бўлган Сайфуддинов Икромжонга Халқ банкидан кредит ажратилиши масаласида банк мутасаддиларига муурожаат қилинди.

Депутатнинг таъкидлашича, муурожаатлари ҳал этилаётганидан, бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлардан одамлар миннатдор. "Ташаббускор бюджет" портали орқали кўплаб муаммоларнинг ҳал этилаётгани ва портал ишини янада яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди. "Новкент" маҳалласи аҳолиси кўтарган сув муаммоси масъуллар иштирокида бартараф этилди.

Мавжуда ҲАСАНОВА, (86-Узун сайлов округи)

Депутат Денов туманидаги "Лочин", "Қизилгул" ва "Зарафшон" маҳаллаларида яшовчи аҳоли вакиллари билан мулоқот ўтказди. Учрашуларда фракциямиз аъзоси дастлаб мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтди. Сунг фуқароларнинг муаммолари тингланди. Сайловчилар ички йўллари таъмирлаш, ичимлик суви билан таъминлаш, ички туризмни ривожлантириш, нафақага чиққан ходимларнинг тиббий даволанишига кўмак бериш, уй-жойларни кадастр қилиш, аукцион орқали олган ерларни ажратиш бериш, талабаларга шартнома пулини тўлаш масалалари билан муурожаат қилишди.

"Меҳнат" маҳалласидан гепатит касаллиги билан оғриган Дилбар Сайридинона доридармон масаласида, "Хатиб қахрамон" маҳалласидан Қизиларгул Раҳмонова икки марта операция бўлган қизининг даволанишида, "Тожиқобод" маҳалласидан Камолиддин Жалолов турмуш ўртоғини даволатишда ордер олишда ёрдам сўради. "Оқмачит" маҳалласида яшовчи Шаймардонова Зайнура уй-жой масаласида, "Лочин" маҳалласидан Тўтихон Расулова уйини кадастр қилиш масаласида муурожаат қилди.

– Муурожаатлар бўляпти, уларни қанча ҳал этсак, одамларнинг кайфияти яхшиланиб бораётганига гувоҳ бўлдик, – дейди депутат. – Аҳоли вакиллари янгилиниш ва ўзгаришлардан хурсанд. Пенсияси 12 фоиз ошгани, юрт тинчилиги ва ободлигидан кекса авлод вакиллари мамнуниятини изҳор этишди. Халқ қабулхонасида ҳам бўлиб фуқароларни қабул қилдик. "Хатиб қахрамон" ва "Тожиқобод" ма-

ҳалласида бўлиб, сайловчилар билан амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақида сўхбатлашдик, сайёр қабул ўтказилди. 18-мактаб ва хусусий нодавлат мактабга таълим ташкилотиди бўлиб, шарт-шароитлар билан танишдик. Узун туманида темир йўл вокзали битиб, фойдаланишга топширилганидан ҳудуд аҳолиси миннатдор.

Муурожаатларга кўра, туман "Тоза ҳудуд" чиқиндиларни олиб кетади, аммо ахлат чиқарган ҳам, чиқармаган ҳам бир хил ҳақ тўлайди. Сабаби ўрганилганда, жамоавий шартнома бор, унда мажбурият шундай кўрсатилгани айтилди. Маҳалла раислари, "Тоза ҳудуд" раиси билан бу масалада гаплашиб, оидинлик киритилди, ҳал этиладиган бўлди. Мухими, одамлар, сайловчиларнинг розилиги. Биз шунинг учун ҳаракатдамиз, дейди депутат.

Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА, (34-Зомин сайлов округи)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зомин туманидаги "Оби-хаёт" қишлоғидаги 9-мактабга таълим ташкилотиди бўлиб, тарбияланувчиларга яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишди. Масала шундаки, ташкилот қурилиши тугалланганига анча вақт бўлганига қарамай, иш бошлагани йўқ эди. Ишчи-ҳодимларга ҳақ бериш, болажонлар учун ўйинчоқлар ажратиш ва ошхона жиҳозлари, идиш-товуқлар масаласи муаммо бўлиб турганди. Ўтган галги учрашувда айтилган бу масала бўйича депутат Молия возирлигига сўров киритиши натижасида апрель ойида ишлар юришиб кетди. Янги очилган ушбу тарбия муассасаси 120 ўринга мўлжалланган.

Депутат, шунингдек, "Бунёдкор" МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Эркин Йўлдошевнинг иш фаолияти билан ҳам танишди. Бугунги кунда унинг кўмаги билан маҳалладаги ёшлардан бири Қаландаров Аҳмад машина ювиш шохобчаси очиб, самарали фаолият юритмоқда. Унга имтиёзли кредит ва тадбиркорлик учун ер олиншида ёрдам берилган. Шунингдек, ўз томорқаларида иссиқхона ташкил этиб даромад олаётган Гулнора Исоқова, Карим Кучмуродов ҳам ҳоким ёрдамчиси фаолиятдан миннатдорлигини билдиришди. Президентимиз ташаббуси билан маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари лавозими жорий этилиши аҳоли турмуш фаровонлиги ортиси, одамларнинг ўз иш ўрниларига эга бўлишларида катта самара берапти, дейди депутат.

Ўрол ЎРОЗБОЕВ, (37-Шароф Рашидов сайлов округи)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ўрол Ўрозбоев учрашув давомида "Сарайлик", "Яхтанлик", "Эски тошкентлик", "Тараққиёт", "Зиёкор", "Совунгарлик", "Жиззахлик" ва "Хавастлик" маҳаллаларида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиникалар фаолияти ўрганилди.

Мулоқотда 130 нафардан ортиқ фуқаро билан сўхбат ўтказилиб, турли мазмундаги 85 та муурожаат қабул қилинди. Шулардан 5 таси республика, 10 таси вилоят ҳамда 15 таси туман миқёсида ҳал этиладиган масалалардир. Бундан ташқари, ички йўллари таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг соғлигини тиклаш, даволанишида ёрдам бериш, уй-жой кадастри, аукцион орқали олган ерларни ажратиш бериш бўйича муурожаатлар қабул қилинди. Уларга туман ҳокимининг ўринбосарлари, ташкилот, корхона раҳбарлари томонидан муносабат билдирилди.

Депутат томонидан мактаблар фаолияти ўрганилганда, 6-сонли умумтаълим мактаби биноси деворларида жуда катта ёриқлар пайдо бўлгани, мукамал таъмирга муҳтож экани, 28-сонли умумтаълим мактаби эса 552 ўринга мўлжаллангани ҳолда, бугунги кунда 1036 нафар ўқувчи таҳсил олаётгани, 240 ўринли қўшимча бино қурилишига зарурат борлиги маълум бўлди. 49-умумтаълим мактабиди спорт зал, спорт майдонлар-

ри мавжуд эмас. 11-умумтаълим мактабда қўшимча ўқув бинолари қуришга эҳтиёж сезилмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 23-сонли Ибн Сино ОП биноси 1997 йилдан бери мослаштирилган бинода, жами 20 минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Поликлиника биноси тиббий-санитария қоида меъёрларига жавоб бермайди. Ичимлик суви билан таъминланмаган, жиҳозлари эски, фойдаланишга ярқисиз аҳволда, керакли дори-дармонлар билан таъминланмаган, янги бино қуриш зарурати мавжуд. Депутат ўрганишда аниқланган муаммолар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олди.

Шерзод РАҲМОНОВ, (29-Жилвои сайлов округи)

Депутат Шофиркон тумани ҳокими Жамшид Шароповнинг сайёр қабулида иштирок этди. Қабулда ҳоким ўринбосарлари, туман Халқ қабулхонаси раҳбари, 4 та секторнинг масъул ходимлари ҳамда ташкилот, корхона раҳбарлари иштирок этди. Фуқаролар томонидан соғлигини тиклаш ва уйини таъмирлашда моддий ёрдам, пенсия таъминоти қайта кўриб чиқиш, бандликни таъминлаш, йўллари таъмирлаш ҳамда бошқа масалалар юзасидан муурожаатлар бўлди. Муурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Муддат талаб этиладиган муурожаатлар мутасаддилар томонидан назоратга олинди.

– Бугун нафақат ҳудудларда, балки одамларнинг кайфиятида ҳам ўзгариш кузатишмоқда. Ҳар ойнанинг охириги ҳафталаарида сайловчилар билан учрашар эканмиз, бунга ўзимиз гувоҳ бўляпмиз, – дейди депутат. – Шахсий муаммолар, ҳудудлардаги ечим кутаётган масалалар қайта бормоқда. Уларни ҳал этишда мутасаддилар жавобгарлиги, масъулияти ҳам ортиб борапти. Чунки уларнинг ҳисобдорлиги кучайтирилган. Республика миқёсида ҳал этиладиган масалалар бўйича эса хат чиқариб, давлат дастурига киритиш, ҳомийларни жалб этиш ишлари амалга оширилади.

Фирдавс ШАРИПОВ, (84-Денов сайлов округи)

Депутат бу галги учрашувларни тумандаги "Остона" маҳалласидан бошлади. Аҳоли томонидан симёғочларни алмаштириш, 30-умумтаълим мактабини таъмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва пенсия билан боғлиқ муаммолар баён этилди.

"Чағонийн" маҳалласида бўлган учрашувда эса 33-умумтаълим мактабини реконструкция қилиш учун дастурга киритиш, ички йўллари таъмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъмилаш, симёғочларни алмаштириш, электр симёғочларни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича сайловчилар муурожаат қилишди.

"Сурнайтепа" маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда ҳам оқоридаги каби муаммолар борлиги аниқланди. Олдинги учрашувда аҳоли томонидан маҳаллада мактабга таълим ташкилотини барпо этиш бўйича муурожаат қилинган эди. Ушбу масала ўрганиб чиқилиб, маҳаллий ҳокимликка киритилган таклиф асосида жорий йилда маҳалла ҳудудиди 150 ўринли давлат боғчаси қурилмоқда.

Икки-уч кунлик учрашув, мулоқот ва ўрганишларда катта-кичик муаммолар аниқланади, чора-тадбирлар белгиланади. Лекин бу асосий эмас, муҳими, биз одамлар турмуш шароитидан хабардор бўлиб, муурожаатларни ҳал этиш, қонуний ечим топиш учун ишлаймиз, дейди депутат.

**Гулрух ОДАШБОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

„ОЛТИН СОАТ“ ЛИ ХИЗМАТ

"Тиббиёт тизимидаги ислохотларимизни одамлар, биринчи навбатда, тез тиббий ва шошилини ёрдамда бўлган ўзгаришларни кўрганганига ҳис қилади. Инсон соғлиги ва унинг ҳаётини сақлаб қолишда "олтин соат" ораллигида биринчи ёрдам кўрсатувчи бўғин, албатта, тез тиббий ва шошилини ёрдам ҳисобланади". Давлатимиз раҳбари шошилини ва тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ҳамда уни аҳолига янада яқинлаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида мана шу фикрларни алоҳида таъкидлади. Йиғилишда соҳада кузатилаётган тўсиқ ва камчиликларни бартараф этиш бўйича қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Анвар ТўРАЕВ, Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси диагностика бўлими шифокори:

– Президентимиз жуда долзарб масалани кўтарди. Тез ёрдам хизмати одамларнинг ҳаётини асрайди, жонига оро қиради. Албатта, бу соҳада ҳам ўзгаришлар бўляпти. Замонавий реанимация машиналари сони 24 тадан 435 тага кўпайтирилди. 2 224 та янги тез ёрдам машиналари олиб берилди ёки транспорт паркиннинг 80 фоизи янгиланди. Бизнинг туманда ҳам 22 та бригада яна иккита янги бригадага кўпайди.

Аммо бу йўналишда бироз тушунмовчиликлар бор эди. Сабаби, соҳада ягона бошқарув тизими йўлга қўйилмаган, яъни тез тиббий хизмат 3 та ташкилотга бўйсунди. Оқибатда тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш туман ҳудуди билан чекланиб қолган. Яъни, тез ёрдам станцияси қўшни туман билан чегарадош бўлса ҳам, бошқа ҳудуд деган, ваз билан қақирувни қабул қилмаслиги кўплаб ҳудудларда аҳолига қийинчилик туғдираётгани.

Мисол учун, Каттакўрғон туманидаги Элмурод Қурбонов қишлоғи бизнинг туман билан чегарадош бўлиб, масофаси 5 км, Каттакўрғонга эса 30 кмни ташкил қилади. Аммо у қишлоқ аҳолиси биздан тез ёрдам хизмати ололмади. Каттакўрғонга муурожаат қилса, вақтдан ютқицади. Қисқа вақт ораллигида бир инсон тақдирини ҳал бўлиши мумкин. Қон кетиши, ҳомиладорлик, авария ҳолатлари, оғир вазиятларда бир дақиқа ҳам катта роль ўйнашини яхши биламиз. Вилоят, туман ҳудудларида ҳам ягона бошқарув тизимининг йўлга қўйилиши мана шу муаммолар ҳал этилишига хизмат қилади. Хусусан, жорий йил 1 июлдан ягона вертикал бошқарув асосида "103" Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоят филиаллари ташкил этилади, тез тиббий ёрдам кўрсатиш бир туман ҳудудиди эмас, масофага қараб бутун вилоят бўйича йўлга қўйилади.

Буларнинг барчаси инсонларни рози қилиш, халқимизнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

АЛЛОМАЛАРДАН БИРИ
"ВАТАН ТУПРОҚДА ЭМАС –
УНГА БЎЛГАН МУНОСАБАТДА",
– ДЕБ ЁЗФИРГАНИДА ХАЁЛИДАН
НЕЛАР ЎТГАНИ ЯРАТГАНГА ВА
ЎЗИГА АЁН. ГАПНИНГ ДАНГАЛИ
ҲАМ ШУ: БИЗ КИМНИ ЁКИ
НИМАНИ СЕВИШИМИЗ УНГА
БЎЛГАН МУНОСАБАТИМИЗДА
ЯҚҚОЛ СЕЗИЛАДИ.

МУНОСАБАТ ҲАМ АСЛИДА
ТУРЛИЧА. БЕФАРҚЛИК УЛАР
ИЧИДА ЭНГ ХАВФЛИСИ ЭКАНИ
КЎП ВА ХЎП АЙТИЛМОҚДА.
ШУ БАҲОНА КЎХНА ТАРИХНИ
ВАРАҚЛАСАК, БИР-БИРИДАН
АЖИБ ВОҚЕАЛАР КЎЗ
ОЛДИМИЗГА КЕЛАДИ.
БАҚУВВАТ ИЛДИЗНИ
КЕМИРАЁТГАН ҚУРТЛАР
ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАР
ЎЗ ЙЎЛИГА. УЛАРНИНГ
МИНГА НОМИ, МИЛЛИОНТА
САРЛАВҲАСИ БОР. АММО УЛАР
ИЧИДА БИР ИЛЛАТ БОРКИ,
АВВАЛЛАРИ ҲАМ, ҲОЗИР ҲАМ
УНИНГ НОМИ ЎЗГАРМАЙДИ.
АВВАЛ ҲАМ, ҲОЗИР ҲАМ
УНИНГ КЕЧИРИМИ ЙЎҚ. БУ –
ХОИНЛИК.

Манбаларни варақлаймиз.

– Эрамиздан аввалги 327 йили юнон фотиҳи Искандар Зулқарнайн биз яшаётган ерларга бостириб келганида бу минтақада қудратли Суғд давлати мавжуд эди. Қудратли Спитамен босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб борди. Умри бино бўлиб бундай қақшатқич зарбага учрамаган юнон шоҳи эсанкираб қолган ҳоллар кўп бўлган. Бироқ хоинлик юз бериб, Спитаменнинг боши ёвга тортиқ қилинган. Мамлакатни эгаллаган душман шу тариқа Суғд давлатини қулатган.

Вақт ўтса-да, воқеалар такрорланишда давом этаверди.

– Қудратли хоразмийлар давлатининг таназузулига сабаб бўлган хоинлик – Маҳмуд Ялавочнинг сотқинлигини ёдга олинг. Қўйингки, Муқанни сотган ҳам, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз II)ни шармандали "Гандимиён" шартномасига имзо чекишга мажбур қилган ҳам... хоинлар эди.

Бу иллат, афсуски, ер юзининг барча нуқталарида бирлашиб яшаётган жамиятлар орасида ҳам ҳозиргача бор. Ҳар бир мамлакатда бу қусур қайсидир кўринишда яшайди.

Хоинлик – жон ширинида, маънавиятсизликда, юртсизликда юзага келади. Афсуски, бир томчи оғу ўзидан 10 баравар кўпроқ сувда ҳам ўз кучини сақлаб қола олади. Бу иллат билан ҳар қайси замонда курашилган, ҳар қайси замон фузалолари уларни аёвсиз қаламга олган. Фитрат ўзининг "Миррих юлдузига" номли шеърида шундай ёзади:

**Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.
Ўртоқ қонин қонмай ичкан зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қоплонлар?
Борми сенда ўксуз йўқсулнинг қонин –
Гурунглашиб, чоғир каби ичканлар?
Бунда шоир "Қардош этин тўймай еган қоплонлар?" деганда ўз элдошларини сотган сотқинларни назарда тутмоқда.**

Хўш, шу бир томчи оғуға қандай бас келиш мумкин? Жаҳидлар айтганидек, фақат ва фақат маърифат йўли билан. Маърифатнинг асоси эса ўқиб-ўрганишда.

Давлатимиз раҳбари кўплаб чиқишларида миллат ёшларини ватанин севадиган фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда китобнинг роли катта эканини таъкидлайди. Чиндан ҳам, бизнинг теграмизда катта тарих, катта қаҳрамонлардан мурда берувчи, катта хулосаларни еслатувчи юзлаб китоблар

ДОСТОНЛАРДА ХОИНЛИК МУАММОСИ



» **ОТА-БОБОЛА-
РИМИЗНИНГ КУЧ-
ҚУДРАТИ, МУ-
РУВВАТИ, ҲАТТО
ДУШМАНГА ҚАҲ-
РИ ҲАМ ДОСТОН-
ЛАРДА ЎЗИГА ХОС
ЙЎСИНДА БИТИЛ-
ГАН. АЙНИҚСА,
ЮРТ ТИНЧЛИГИ
ЙЎЛИДА ҲОРМАЙ
МЕҲНАТ ҚИЛАЁТ-
ГАН ҲАРБИЙ ХИЗ-
МАТЧИЛАР УЧУН
ДОСТОНЛАР ВА-
ТАНПАРВАРЛИКНИ
ОШИРУВЧИ МУ-
ҲИМ МАНБА БЎЛА
ОЛАДИ.**

бор. Халқ достонлари шу санокнинг бош бўғинида туради.

Минг йиллик айтимларимиз одоб-ахлоқ, тарбия, ватанпарварлик, мардлик, муҳаббат ва оқибат, хиёнат ва жазо ҳақида сўзлайди. Демак, аввало, достонлар мутолааси биз учун муҳим поғонада турмоғи лозим.

Қай бир достонни варақламаник, вафосизлик, сотқинлик, ёлғончилик охир-оқибатда катта хавфга айланиши, охир-оқибат инсонни бадном қилишига доир кўплаб мисолларга дуч келасиз.

"Рустамхон" достонидаги бир лавҳани олайлик. Унда Оқтош вилоятининг баҳодир Рустамхоннинг кундошлар тухматига йўлиққан онаси Хуройимни жаллодлардан қутқариш йўлидаги жасурлиги ҳақида сўз боради. Отаси Султонхон подшо буйруғи билан 300 жаллод томонидан онаси Хуройимнинг Мансур дорига ҳайдаб кетилганлигини эшитган ўн тўрт ёшли Рустамхон отни эгарлаб, жанг асбобларини илиб, икки тозисини йўлга солиб, жаллодлар кетидан қувлаб боради ва уларга қарши жангда катта ғайрат-матонат

кўрсатади.

Воқеалар ривожини кузатар экансиз, ҳар бир миллат кишиси ўз яқинлари, кадриятлари ҳимоясига маҳкам бел боғламоғи лозимлигини англайсиз.

Достоннинг асосий ғоявий йўналиши она юртга муҳаббат қўйиш, оддий кишиларга мурувват кўрсатиш, яхшилик қилиш, душманга нисбатан ғазаб ва нафрат билдириш, олижаноб эзгу ниятлар йўлида қатъият, довураклик ва жасурлик кўрсатишни улуғлашдан иборат.

Аксар достонларда қаҳрамонлар раҳмдиллиги, оққўнчилиги сабаб турли хийлаларга алданиб, қийин вазиятларга тушиб қолади. Шундай бўлса-да, душман олдида эл-улусига гард юқтирмайди. Бора-бора, мардлиги, тўғрисиқлиги боис душманларидан ҳам аёвсиз ўч олади.

"Кунтуғмиш" достонида Азбархўжа хийла ишлатиб, Кунтуғмишни маст қилиб, хотини Холбекани подшоҳга тортиқ қилиб, болалари бошига оғир кунлар солган эди. Кун келиб, Кунтуғмиш тўра бўлиб, зиндонда ётган Азбархўжани олиб чиқиб, болаларига ўчларингни олинглар, дейди.

Шунда Моҳибой билан Гўркибой бу мунофиқни босиб олиб, қўлидаги ханжар билан бакиртиб тилини кўмақайдан кесиб олади. Азбархўжа гапиролмай, хўқиздай бўкириб-бўкириб, итдай бўлиб ўлиб қолди. Гавдасини ўтда куйдириб, қулини шамолга учуриб юборди.

Бу жазо қайсидир маънода хоинга берилган "мукофот" эди. Бу йўлнинг охири шу. Бу йўл шармандали ўлимга олиб боришини ушбу достон китобхонга яхши англайди.

Ота-боболаримизнинг куч-қудрати, муруввати, ҳатто душманга қаҳри ҳам достонларда ўзига хос йўсинда битилган. Айниқса, юрт тинчлиги йўлида ҳормай меҳнат қилаётган ҳарбий хизматчилар учун достонлар ватанпарварликни оширувчи муҳим манба бўла олади.

Юрт ўғлонларининг майдондаги машқларига ҳеч эътибор қаратганмисиз? Кўпинча бир киши ўн киши билан ҳам бемалол жанг қила олади. Гоҳ қуролда, гоҳ билакда рақибини ер ташлаётган ўғлонларнинг маҳоратига қўйил қолмай иложимиз йўқ. Бир йигитнинг нафақат ўн, балки қирқ йигитга ҳам бас кела олиши достонларимизда яққол кўзга ташланади. Аслида бунинг ҳеч муболағали ери йўқ. Буни

рост эканини исботловчи тарихий фактлар ҳам бор.

Хитой тарихчиси ўз асарида: "Агар бир киши бутун қўшинга қарши жангга кирса – бу шубҳасиз туркдир", деб ёзиб қолдирган.

Демак, бизнинг ичимиздаги гўжур ва шижоат, матонат ва мардлик ўйлаганимиздан ҳам улканроқдир. Буни унуттишга ҳаққимиз йўқ.

Жангнома эпослардан бири бўлмиш "Юсуф билан Аҳмад" достонида ака-укаларни хийла билан қўлга тушириб, Мисрга олиб кетаётган бадрок Мирзо Мамадга тутқун Юсуф шундай деган эди:

– Хийла билан олдингиз, қирқингиз қилич билан келинг, бизлар қўлимиз билан, бир томошани кўринг...

Ҳақиқий ўзбек йигитининг матонати мана шундай жанг сахналарида ёрқинроқ кўринади. Достонда мард ва тоза виждонли бўлгани учун озод бўлган ака-укалар бутун бошли қўшинни шундай янадики, ғанимлар "от юлган пахтадай кўкталок" бўлиб кетишади.

Мардлик ҳар доим ҳар ерда инсонни шарафга буркай олган. Бошлари дорда турган неча жўмардлар чин сўзи, ботирлиги сабаб озод бўлганига тарих гувоҳ.

"Юсуф билан Аҳмад" достонида Юсуфнинг Кўкча шоир билан айтишуви бор. Миср шоҳи Гўзалшоҳ айтишувда ютқизганини ўлдирмоққа ҳукм қилади. Шунда ҳам Юсуф уларнинг барча кирдикорларини, найрангларини аёвсиз фош қилади. Озод бўлса, бир от устига минолса Миср юртини ағдар-тўнтар қилишини рост айтади. Ҳатто подшонинг катта ваъдаларига ҳам учмайди. Динидан, эътиқодидан воз кечмайди. "Илоннинг қобиги силлиқ бўлса ямиш ичи заҳар" дейди. Юзлаб жангчи, мирғазларга қарата: "Биз келганда бўлаканиб қочарсан", дейди. Бу ҳақиқий эр йигитнинг сўзлари эди.

Айтишув якунида халқ ўз одамига оғиб, Кўкча шоирни ютди деса-да, аммо Гўзалшоҳ Кўкча шоирни ўзига қилган хушомати сабаб шарманда бўлганини айтиб, уни жаллодларга топширади.

Аслида жасорат куйланмаган, мардлик мадҳ этилмаган достоннинг ўзи йўқ. Энг асосийси, уларда марднинг боши доим сарбаланд, номард ва хоинларнинг эса юзи қора бўлиб, эл ичра шармисор бўлади.

Ана шу хулосаниннинг ўзи ҳам ҳар биримиз доим эсда сақлайдиган, амал қиладиган буюк ҳикматдир.

Бобур ЭЛМУРОДОВ.

АЁЛЛАРГА ИМКОНИЯТ



Ойгул КАЖАНОВА,
журналист:

– Мамлакатимизда янги маънавий маконни барпо этишда шубҳасиз, фуқароларда маънавий эҳтиёжни шакллантиришимиз зарур. Бунинг учун, биринчидан, аҳолининг маънавий қиёфасини ўрганишимиз лозим.

Халқимиз тарихида улуг инсонларни дунёга келтирган, тарбиялаган, унинг ортида

мададкор бўлиб турган хотин-қизлар, фозила аёлларнинг юксак кадрланиши бугунги кунда олиб борилаётган давлат ислохотларининг маънавий юксаклигидан далолат эмасми? Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Оила ва хотин-қизларнинг тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, шунингдек, "Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори барча хотин-қизларни хурсанд қилди. Мамлакатда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш баробарида, камбағалликни қисқартириш каби муҳим ижтимоий муаммоларга ечим топилиши назарда тутилганлиги қувонарли.

Мен ҳам шу каби эътибордан баҳраманд эканимдан хурсандман. Йиллар мобайнида давлат эътири олган магистратура ўқишига жазм қилиб, хужжатларни топширдим. Аниқроқ айтган-

да, оширилган контракт тўлови орқали талабалikka қабул қилдим. Аммо илмининг машаққати бор-да, амал-тақал қилиб оилавий шароитлардан орттариб контракт пулини тўладик. Кўп қаршиликларга қарамасдан, икки йилнинг энг илтимонли бошладим.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон, айниқса, магистратура босқичида контракт асосида ўқиётган хотин-қизларнинг кўнглини тоғдир қўтариб юборди.

Унда давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартсиз қоплаши ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотлари, устоз капиталда давлат улуси 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар раҳбарларининг қамиди 1 нафар ўринбосарини хотин-қизлар орасидан тайинлаш, шунингдек, 2022 йил 1 июндан бошлаб маҳалларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва соломатлигини



муштақамлаш марказларининг ташкил этилиши каби имкониятлар, ижтимоий қўллаб-қувватлашлар ҳаётга чанқок, оилада ва ишда фаол, олимпиа, зиёли аёлларнинг сони кундан-кунга ортиб боришига хизмат қилади.

Янги маънавий макон ижтимоий юксалишлар асосида қурилади. Биз орзу қиладиган янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси халқимиз интиладиган

ва эл-юртимиз бахтиёр яшайдиган жамиятдир. Шу маърифатли жамиятда келажагимиз эгаларини, миллатимиз ворисларини тарбиялаб, вояга етказамиз. Эл-юрт қорига ярайдиган авлод истар эканмиз, ҳар бир маърифатли аёл маънавий баркамол фарзандларни тарбиялашдек масъулиятли вазифани сидқидилдан бажармоғи даркор.

QADR

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

Яшаш ҳикмат бўлса, узоқ умр кўриш зийнатдир. Юртдошларимиз орасида юз ёш билан юзлашган отахону онахонларимизнинг борлиги қувонарли. Улар яқин маслаҳатгўй ва тўғри йўл кўрсатувчилардир. Панду насиҳатлари бизни яхшилик ва эзгуликка чорлаб, инсонпарварлик, сабр-қаноат, саховат ва шукроналикка ўргатиши табиий.



„БЕРЛИНГА ПИЁДА КИРИБ БОРГАНМИЗ“

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Кенжа бобо 97 ёшга кирибди

Шеробод туманининг „Галагузар“ маҳалласида истиқомат қилувчи Кенжа Эломонов ҳам ана шундай пиру бадавлат инсонлардан бири. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган нуруний яқинда 97 ёшни қарши олди. Кенжа бобо билан сўронли йилларнинг даҳшатлари, урушдан кейинги қийинчиликлар ва бугунги нурафшон кунлар ҳақида гурунглашдик.

– Уруш – ўз номи билан уруш болам, – дейди Кенжа бобо оғир тин олиб. – У ҳеч қачон ва ҳеч бир замонда яхшилик келтирмаган. Вайроналик, йўқотиш, таназул ва инқирозларга сабаб бўлиши аччиқ ҳақиқат. Иккинчи жаҳон уруши шундай бало бўлди. Бир неча ўн миллион киши бевақт ҳаётдан кўз юмган бўлса, ногирон ва майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар сони қанча? Аччиқ кўз ёшлар, дард-алам, айрилиқ ва жароҳатлар орадан 77 йил ўтган бўлса-да, ҳали-ҳамон битгани йўқ.

Уруш бошланган вақтларда 18 ёшда эдим. Собиқ „Лайлогон“ колхозда 300 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилган. 1943 йилнинг куз ойларида 20 нафар йигит урушга отландик. Мени Қозоғистондан Кавказга

жўнатишди. Дастлаб пиёда аскар қўшинлари, ундан кейин эса Сталинград яқинида кечган жангларда иштирок этдим. Ҳа, айтгандай, бир йилга яқин артиллерияда ҳам хизмат қилганман. Берлинга пиёда кириб борганмиз.

Кенжа Эломонов 1945-1948-йилларда колхозда омбор мудири, 20 йилга яқин Ангор ва Шеробод туманларидаги хўжаликларда ишчи, табелчи ҳамда бригада бошлиғи вазифаларида меҳнат қилган. Беш йилча собиқ „Сурхонводстрой“ заводида фаолият кўрсатган.

Ҳаётнинг қийинчилиги ва машаққатларини мардонавор енгиб ўтган қахрамонимиз урушдан кейин Режабой Ҳасанова (2013 йилда вафот этган) билан турмуш куради. Улар беш нафар ўғил ва уч нафар қизни дунёга келтирган. Олти нафардан ортиқ набираси бор...

– Ҳозирги кунда ҳудудда бир нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ўндан ортиқ фронт ортида меҳнат қилган инсонлар умргузаронлик қилмоқда, – дейди Шеробод туман ҳокимлигининг матбуот хизмати раҳбари Асомиддин Мамаюсупов.

– Тўқсон ва юз ёшдан ошганлар эса 100 нафарга яқин. Кекса авлод вакиллари доимий эътиборда. Улар туман ҳокимлиги мутасаддилари ва саховатпеша ҳомийлар томонидан ҳар ойда йўқланади. Моддий ва маънавий кўмак беряпмиз. Бепул тиббий кўриқ ва саёҳатлар ташкил қилинапти.

– Хур, обод ва озод кунларга етказганига шукр, – давом этади отахон. – Янгиланаётган юртда роҳат-фароғатда яшаймиз. Президентимиз бизга алоҳида эътибор ва юксак эҳтиром кўрсатаётганидан чекиз миннатдоримиз. Пенсиямиз йил сайин кўпаймоқда. Ўтган йилги байрамда 10 миллион сўм олгандик, бу йил 15 миллион сўм беришди. Яхши ниятлар ижобат бўлаверсин, биз доим дуодамиз...

Қайтар чоғимиз пиру бадавлат инсон қўлларини дуога очди: – Илоҳим, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, элимиз маъмур, дастурхонларимиз тўкин бўлсин. Хурлигимиз мангу қолсин!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ДИЛ СЎЗИ



ОНАЛАР ЙИҒЛАМАСИН, ЧОРАСИЗЛИКДАН АСРАСИН

41 йилдан бери тиббиёт соҳасида ишлаб келаман. Жиззах вилоятининг болалар юкумли касалликлар шифохонасидаги фаолиятим давомида болалар спинал мушак атрофияси (БСМА) касаллиги аниқланган болаларга ҳам дуч келдим. У пайтларда умумий қилиб болалар церебрал фалажлиги, деб ташхис қўйиб қўя қолинарди. Нафас марказининг ишдан чиқиши билан кечадиган ҳолатларда сунъий нафас апаратыга улашга тўғри келарди. 6 ойгача бўлган болалар кўпинча ҳаётдан кўз юмишарди. Қолганлари эса умр бўйи ногиронликда ҳаёт кечириб, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолардилар.

Кейинчалик поликлиника шароитида, тиббиётнинг бирламчи бўлинида ишлаётган вақтимда ҳам бу касалликка чалиниб, асоратлари қолган болаларга дуч келдим. Тузалмайдиган, асоратларини тез бартараф қилиб бўлмайдиган шундай фарзанди бор ота-она, қариндошларнинг ҳолати, ташвишларини, ўтказадиган кунларини тасаввур қилиб кўринг-а...

Президентимизнинг жорий йил 25 апрель санасида қабул қилинган „Спинал мушак ат-

рофияси ташхиси қўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги қарори биз узоқ йиллар кутган масалалар ечим топишига асос бўладиган ҳужжат бўлди.

Мазкур қарор билан ҳозирда БСМА хасталиги билан даволанаётган болаларнинг даволаниши ва реабилитация (тикланиши) қилиниши тадбирлари, сарф-харажатлари давлат томонидан таъминланиши кафолатлантирилган. Уларнинг ижросини таъминлаш учун БСМА касаллиги тасдиқланган

болаларни даволаш, муолажалар самарадорлигини кузатиб боришни таъминлаш мақсадида юқори малакали мутахассислардан иборат доимий фаолиятдаги консилуим (ДФК) гуруҳи тузилади.

Шунингдек, БСМА касаллиги беморларга дори воситаларини Она ва бола скриннинг маркази томонидан ўз вақтида мақсадли ва манзилли етказилиши қанчадан-қанча оилаларнинг мушқули осон бўлиши, муаммоси ҳал этилишига хизмат қилади.

Яна бир қувонарли жиҳати, ота-оналар бемор фарзандларининг уй шароитида даволаниши ва реабилитацияси

учун керакли тиббий-техник воситаларни ижара тариқасида бепул олиши мумкин бўлади. Бундай жиҳозлар жуда қиммат бўлиб, ҳамма оилани ҳам уни сотиб олишга қурби етмайди. Шу сабабли уларнинг ижарага берилиши касал фарзандини даволаётган оилаларга енгиллик яратади.

Ҳомилалар аёллар яшаш жойларидаги аёллар маслаҳатхонаси бўлими йўлланмаси билан миллий референс лабораторияси ва филиалларида БСМА касаллиги диагностикаси бўйича бепул текширувдан ўтказилади. Молекуляр текширув натижасида БСМА касаллиги ёки касаллик гени ташувчиси аниқланганда, Ягона миллий дастурга киритилиб, ўзаро электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилади. Бу юртимизда гўдаклар ўлимнинг қамайиши, қанча оналарни фарзанди ҳаётдан узилиб боришини кузатиш машаққатидан асрайди.

Ҳеч бир она фарзанди хаста бўлганида чорасизликдан йиғламасин, дейимиз.

Мусахон ИМОМОВ,
халқ депутати **Жиззах шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.**

ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Иккинчи жаҳон урушида Бухоро вилоятдан 73 минг 688 киши фашизмга қарши курашган. Жанггоҳларда 30 минг нафар бухороликлар қолиб кетди. Урушдан қайтганларнинг 5 минг нафаридан ортиғи жанговар ордено ва медаллар билан мукофотланди. Бу қадимий юрт фарзандларидан 13 киши уруш Қаҳрамони, бир киши эса учала даражали “Шухрат” орденининг тўла кавалери унвонига сазовор бўлган.

Айни кунда вилоятда Иккинчи жаҳон урушида қатнашганларнинг 15 нафари ҳаёт. Улар орасида уруш йилларида Германиянинг Ганновер шаҳридаги фашистлар концлагерига асирликка тушиб қолган, 1945-йилларда Германиядан Бухорога депортация қилинган уруш фахрийлари, татар миллатига мансуб 93 ёшли Рейде Ресутова ҳамда 86 ёшли Катизе Менсеитовалар ҳам бор.

– Ўзим Қрим Республикаси Ички тумани, Беруна Бесут қишлоғида туғилганман, – дейди Бухоро шаҳри “Ширбудин” маҳалла фуқаролар йиғини, Ширбудин кўчаси, 7-муноси, 78-уйда яшовчи уруш фахрийси, татар миллатига мансуб 93 ёшли Рейде Ресутова. – Ўша машҳур 1941-1945 йилларда Ленинград шаҳри қамали даврида катта завод ва корхоналарда ишлаб, фашистларнинг концлагерларига тушиб, асирлик азобини тортганман. Очиғи, бу кунларни орзу қилиш ҳаёлимизда ҳам бўлмаган. Асирликда Германиянинг Ганновер шаҳридаги фашистлар концлагерига Браншевой темир-бетон заводида азоб-уқубатларни бошимиздан кечирганмиз. 1945 йилда Германиядан Тошкентга депортация қилиндим. Тошкентдан Бухорога олиб келишди. Ҳозирги Бухоро давлат университетининг бошланғич таълим йўналишида ўқидим. Турмуш ўртоғим Амет Абултаров билан оила қурдим. Турмуш ўртоғим ҳам Навоий вилоятига депортация қилинган эди. Оила қурганимиздан сўнг бир фурсат Навоийда яшадик. 2 қиз 1 нафар ўғилни воёга етказдик. Яратганга минг шукр, мана шундай дорилмомон кунлар ҳам пешонамизда бор экан. Бугун толеимдан миннатдорман. Урушдан кейинги тикланиш йилларида халқ таълими тизимида ишлаб, ёш авлодга сабоқ бердим. Эл орасида ҳурмат-иззат топдим. Ҳар байраму тантананда давлат раҳбари ташаббуси билан биз, кексаларнинг ҳолидан хабар олишди. Турмуш ўртоғим билан ёлғиз эмаслигимизни ҳис этамиз.

– Етти ёшимда Қримдан асирлик учун Германиянинг Ганновер шаҳридаги фашистлар концлагерига мажбурлаб онам билан вагонда олиб кетишди, – дейди Бухоро шаҳрининг А.Ғиждувоний маҳалла фуқаролар йиғини, Ширбудин кўчаси, 60-уйда яшовчи уруш фахрийси, татар миллатига мансуб 86 ёшли Катизе Менсеитова. – 1945 йилда Германиядан Тошкент шаҳрига келдим. У ердан Бухорога жўнатишди. 77 йилдирки, мана шу кўхна замида бухоролик бўлиб яшаб келаяпман. Бухорога келганимдан сўнг шаҳардаги 1-сонли мактабда тахсил олдим. Ўқидим, изландим. Натижада ўзим ўқиган мактабга математика фани бўйича ўқитувчи бўлиб ишга кирдим. 35 йил педагогика соҳасида фаолият юритдим. 2 нафар фарзандим бор. 4 нафар набиранинг сеvimли бувисиман. Юртбошимизга, давлатимизга раҳмат. Биз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган эътибор ва ҳурмат учун ташаккур билдираман. Ҳар йили санаторийларга дам олиш учун бепул йўлланма беришади. Бориб-келиш учун самолёт, поездлар ҳам бепул. Ҳар тонг дуога қўл очганимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев соғ-саломат бўлишини Аллоҳдан тилайман. Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин. Урушнинг номи ўқсин. Тинчликнинг қадрига етишимиз керак. Ёшларга ҳам фақат тинчлик қадрига етишини насиҳат қиламан. Пирлар юрти – Бухорони жуда яхши кўраман.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА муҳбири.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ

ТАШКИЛ ЭТИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Апрель ойида Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш борасида амалга оширилётган ишлар ҳолатини ўрганишди.

Назорат-таҳлил давомида депутатлар давлат ва маҳаллий инвестиция дастурлари бўйича яратилган иш ўринлари, ажратилган субсидия, грантлар, нафақалар, касб-хунарга ўқитиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан таъминланиши масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Бугун ишлайман, деган одамга имконият бор. Албатта, ҳамма юқори ташкилотда ёки йирик корхоналарда ишлашнинг илоҳи йўқ. Уйда, маҳаллада ҳам тадбиркорлик қилиш, томорқада иссиқхоналар ташкил этиб, даромад олиш, кредит олиб, кичик корхоналар ташкил этиш мумкин. Маҳалла, ҳоким ёрдамчилари, ҳудудий ҳокимият бу борада одамларга кўмаклашиш, яқин ёрдамчи бўлишади. Аҳоли вакиллари аллақачон бу имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда. Натижада ҳудудларда камбағаллик даражаси қисқариб, одамлар мустақил ишларига эга бўлишмоқда.

Навоий вилоятининг Навбахор, Хатирчи, Қизилтепа, Нурота, Қонимех, Кармана туманлари ҳамда Навоий шаҳрида бўлиб, давлат ва маҳаллий дастурлар бўйича яратилган иш ўринлари, ажратилган субсидия, касб-хунарга ўқитиш ҳолатларини ўргандик.

Иш билан таъминланишнинг кўп тармоқлари бор: корхона ташкил этиш, субсидия ажратиш, хизмат кўсатишни кенгайтириш, инвестиция... Мени қувонтиргани, бугун аҳоли субсидиялардан унумли фойдаланишяпти. Одамлар бир-биридан ўрناق олиб, иш бошлаш ҳаракатига тушишган. Дейлик, маҳаллада бир оила субсидия олиб иссиқхона қилса, унинг фойдасини кўриб, кўни-қўшниларнинг ҳам бу фаолиятга иштиёқи пайдо бўлади.

Қонимех туманидаги бир маҳаллада бўлдик. Одамлар нафақат шахсий томорқаси, балки кўча ерларидан ҳам унумли фойдаланиб, иссиқхоналар ташкил этишган. Ҳам кўчалар обод, ҳам аҳоли даромад оляпти, уйдан чиқмасдан туриб, маблағга эга бўляпти.



натижада айрим одамлардаги боқимандалик ҳам бартараф этиляпти.

Аммо... Ҳудудда субсидия масаласида камчиликлар ҳам бор. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳаллалардаги меҳнат инспекторлари томонидан аҳоли ўртасида етарлича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмаганлиги натижасида фақатгина 4 йўналишда субсидиялар ажратилган бўлса, нафақат туманлар балки, вилоят миқёсида грант ва микрокредитлар берилмаган. Аҳоли ва тадбиркорлар билан суҳбат давомида уларнинг аксарияти грант ва микрокредитлар ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди. Бу борада маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти қониқарли эмаслиги аниқланди.

Айрим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича вужудга келатган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрланди. Жумладан, "Synthetic hydrocarbons" МЧЖ лойиҳаси 6,5 км. масофадаги юқори босимли газ қувурига уланиш масаласи кечикаётгани сабабли амалга ошмапти, 50 та иш ўрни яратилмай қолмоқда. Айрим лойиҳаларга кредит маблағлари ажратилмаётгани, натижада иш ўринлари яратиш кечикаётгани аниқланди.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан асбоб-ускуна харид

қилиш давлат харидлари портали (электрон савдо) орқали амалга ошади. Ушбу аукционда ғолиб бўлган тадбиркорлар томонидан шартномада кўрсатилган жиҳозлар ўрнига, бошқа турдаги жиҳозлар таклиф этилиши кўп учрамоқда. Айнан шу муаммо сабабли Навоий вилояти бўйича 2021 йилда 26 та ҳолатда ҳамда 2022 йилда 23 та ҳолатда шартномалар бекор қилинган.

Бу эса ишсиз фуқароларга субсидия орқали олиб берилиши керак бўлган жиҳозларнинг кечикишига олиб келмоқда ва фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Бош бошқарманинг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш шўъбасига масъул ходимнинг электрон дастурини давлат молиясини бошқарувчи автоматлаштирилган тизими (ДМБАТ)га интеграция қилиш маъқул бўларди.

Ўрол ҲОЗИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Биз 2 кун давомида Фарғона вилоятидаги Олтиариқ, Боғдод туманлари ҳамда Фарғона шаҳрида давлат дастурлари бўйича яратилган иш ўринлари, ажратилган субсидия, грантлар, нафақалар ҳамда сабга ўқитиш

ҳолатлари билан танишдик, ҳақиқий аҳволни ўргандик. Умуман, муҳим ишлар амалга оширилган.

Танлов асосида ўрганилганда, Олтиариқ туманида янги иш ўринлари ташкил этилиши айрим соҳаларда 1-чорак бўйича бажарилмагани маълум бўлди. Мисол учун, туманда савдо ва сервис йўналишидаги чораклик режа 75 фоиз бажарилган.

2 та туманда 6 та ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилган ва бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 459 млн. сўм миқдорда субсидия маблағлари ажратилган ва 155 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Субсидия яхши, албатта. Бир оила ўзини тиклаб олади, рўзгор тебратлади. Аммо бу борада масъуллар йўл қўяётган камчиликлар кузатилаётгани ачинарли. Мисол учун, Боғдод тумани "Иттифоқ" МФЙ, А.Темур кўчаси, 36-уйда яшовчи, "Аёллар дафтари"да турувчи Фуқаро Шаҳноза Раҳимова, Олтиариқ тумани "Повулғон" МФЙ, "Ёшлар" кўчасида яшовчи, "Аёллар дафтари"да турувчи Малика Аҳмедовага 0,1 гектар ер майдонига ўртача 7,2 млн. сўмдан енгил конструкцияли иссиқхона куриб берилган. Иссиқхоналарда лимон, помидор, бодрич қилган, лекин унумли ва сифатли бўлса, дейди. Шароит яхши бўлмаса, самарадорлик ҳам бўлмайди, иштиёқ сўнади.

Вилоятдаги кунлик меҳнат марказлари фаолияти билан ҳам танишдик. Марказлар томонидан 2022 йил давомида жами 801 нафар фуқаро рўйхатга олинган. Жумладан, Қўқон шаҳрида 189 нафар, Марғилон шаҳрида 204 нафар, Фарғона шаҳрида 258 нафар ҳамда Олтиариқ туманида 150 нафар бир марталик иш изловчилар қайд этилган.

Ўрганиш жараёнида республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар аниқланди. Боғдод туманида узоқ йиллар давомида фойдаланиб келинган, 1986 йилда қурилган "Бунёдкор" кўтарма сув насоси станцияси таъмирталаб аҳволга келиб қолгани сабабли паст қувват билан ишламоқда. Натижада тумanning дашт ҳудудларидаги қарийб 3,5 минг гектар ер майдонида жойлашган боғдорчилик фермер хўжаликлари ва аҳолининг 800 гектар томорқа ер майдонларини сув билан таъминлаш аҳоли қонқарсиз қолмоқда. Йилига амаллаб бир мартагина ҳосил олинмоқда.

Ушбу кўтарма сув насоси станциясини давлат дастури асосида ёки вилоят ёхуд тумanning қўшимча маблағлари ҳисобидан бўлса ҳам таъмирлаш режалаштирилиши, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг имкони топилса, аҳоли йилига 3 мартагача ҳосил олиши, 3 минг нафарга яқин фуқаронинг банд бўлиши имконияти пайдо бўлади.

Ҳудудлардаги мазкур ўрганиш жараёнида жисмоний ва юридик шахслар томонидан қилинган муражаатларнинг ечими, аҳоли бандлигидаги соҳалар бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда инвестиция лойиҳалари асосида янги иш ўринлари яратишни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан депутатлар парламент назоратини олиб боришлари белгиланди. Аҳоли ва ташкилот, корхона вакилларида бандлик, хусусан, бу соҳада қийинчиликлар туғдираётган масалалар юзасидан таклифлар олинди. Мазкур таклифлар қўмита ишчи йиғилишида муҳокама қилиниб, унинг яқини бўйича қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш чоратадбирлари белгилаб олинди.

Гулруҳ ОДАШБОВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.



ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ:

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

умра зиёрати 2022 йилнинг 22 январь кунидан қайта тикланиб, бугунги кунга қадар жами 33 минг нафардан зиёд юртдошларимизнинг Саудия Арабистонида зиёратларини ташкил этишга имкон яратилди. Ҳозирга келиб умра учун квоталар олиб ташланди, бу йилги ҳаж амалларини ташкил этиш бўйича Саудия томони билан келишувлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳам белгиланган вазифалардан келиб чиқиб самарали фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда марказлар томонидан буюқ аждодаларимиз илмий меросига оид 100 дан зиёд асарлар таржима қилиниб, нашр этилди.

– Сўнги йилларда Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятига кўплаб янгиликлар татбиқ этилмоқда, – дейди Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Шавкат Мавланов. – Нуфузли хорижий олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари кенгайди. Академия профессор-ўқитувчилари, ёш илмий тадқиқотчиларнинг халқаро конференция,

илмий семинарлар ҳамда халқаро грантлардаги иштироки фаоллашди.

2022 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Илмий салоҳиятини ошириш миллий рейтингда 63 фоиз кўрсаткич билан республика олий таълим муассасалари орасида 1-ўринни эгаллади. Бугунги кунда академияда Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Афғонистон давлатларидан жами 39 нафар (33 нафар бакалавр, 2 нафар магистрант, 4 нафар докторант) хорижий талаба таҳсил олади.

Академия Европа, Африка ва Осиёдаги 14 мамлакатнинг 37 та нуфузли олий таълим, илмий-тадқиқот муассасаси ва халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик алоқаларини изчил амалга оширяпти. Хусусан, ўтган қисқа вақтда Миср Араб Республикасининг Ал-Азхар университети, Россия Фанлар академияси Шарқ кўлэмалари илмий-тадқиқот институти, Россия ислом институти, Қозон Федерал университети халқаро муносабатлар институти, Татаристон Республикаси Фанлар академияси Исламшунослик тадқиқотлар маркази, Болгар ислом академияси, Мюнстер университети, Буюк Британиянинг Кембриж Марказий Осиё

форуми, Саудия Арабистонидаги Ислам тадқиқот ва таълим институти (IRTI), Япониянинг Аичи санъат университети, шунингдек, Туркия давлатининг 5 та, Индонезиянинг 3 та, Малайзиянинг 4 та, Қозоғистоннинг 3 та дунё рейтингда етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот марказлари билан мустаҳкам илмий-педагогик ҳамкорлик ўрнатилди.

Шунингдек, тадбирда мутасаддилар томонидан бугунги кунда Озарбайжон илоҳиёт институти, Болгар ислом академияси (Россия), Салжук, Истанбул ва Анкара (Туркия), Малайзия ислом илмлари (Малайзия), Аичи санъат (Япония), Нур-Муборак Миср маданияти, Султон Шариф Қосим RIAU (Қозоғистон), Ислам тарихи, санъати ва маданияти тадқиқотлари маркази (IRCICA), Ислам тараққиёт банки, ICESCO, UNESCO, TIKA, KOIKA, JICA каби халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани таъкидланди.

Анжуман сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларига мутахассислар жавоб берди.

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ, "Ўзбекистон овози" мухбири.

Тадбирда жорий йилда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

– Ўтган вақт мобайнида диний-маърифий соҳа ходимлари томонидан 23124 та кам таъминланган оилалар, 8565 нафар етим болалар ҳолидан хабар олинди, – дейди Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Давронбек Махсудов. – Шунингдек, 6596

нафар моддий ёрдамга муҳтож фуқароларга ҳомийларни жалб этган ҳолда 725 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. "Вақф" хайрия жамоат фонди томонидан ушбу мақсадларга жами 1,896 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Эътиборли жиҳати, 2020 ва 2021 йиллар давомида коронавирус касаллиги туфайли тўхтаб қолган

MUTAXASSIS MINBARI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



КАМБАГАЛЛИК

ҲАМ ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

Камбағаллик умумбашарий муаммо, уни қисқартириш долзарб масалага айланган ҳозирги даврда турли мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланганлик даражасидан келиб чиқиб, ҳар хил ёндашувлар қўллайдилар. Жаҳон амалиётида камбағалликни аниқлашда беш хил ёндашув мавжуд: тирикчилик воситаларидан маҳрумлик кўринишдаги камбағаллик, тенгсизлик кўринишдаги камбағаллик, маданий камбағаллик, эксплуатация кўринишдаги камбағаллик, таркибий камбағаллик.

Тирикчилик воситаларидан маҳрумлик кўринишдаги камбағаллик овқатланиш, бошпана, қийим-кечак, тиббий ёрдам ва бошқа ҳаётий зарур, минимум яшаш даражасини таъминловчи буюмларни етарли даражада сотиб олиш имкониятининг йўқлигини аниқлади ҳамда ҳаёт кечиришнинг энг кам миқдор қўрсаткичи билан боғлиқ бўлади.

Тенгсизлик кўринишдаги камбағаллик даромадларнинг тақсимланиши ва нисбий фарқланиши билан аниқланади. Ушбу камбағалликка аҳолининг турли қатламлари ўртасида даромадларнинг тақсимланишидаги тенгсизлик, улар даромадлари ўртасидаги нисбатнинг узоқ ёки яқинлиги билан қаралади.

Маданият кўринишдаги камбағалликка авлоддан авлодга ўтувчи турмуш тарзи сифатида қаралади. Ушбу камбағаллик концепцияси даромадларнинг минимал даражаси, келажакка умидсизлик, бекфарқлик, жамиятдан бегоналашув, апатия, рағбат ва ўзига нисбатан қадр-қимматнинг йўқлиги муносабатларини ўз ичига олади.

Эксплуатация кўринишдаги камбағаллик ижтимоий таъминот ва ёрдамнинг турли гуруҳдаги инсонларга турлича кўрсатилишида намоён бўлади.

Таркибий кўринишдаги камбағалликка камбағалликка институционал ва таркибий камситиш сабаб қилиб кўрсатилади.

Камбағалликнинг вужудга келиш сабабларини куйдаги гуруҳларга бўлиш мумкин: иқтисодий; ижтимоий-тиббий; демография; ижтимоий-иқтисодий; таълим-малака даражаси; сиёсий; минтақавий-география.

Камбағалликни ўлчашда баъзи мамлакатлар даромадлар, баъзилари эса истеъмол усулидан фойдаланишда. Ҳар икки усулнинг афзалликлари ва камчиликлари бор. Ривожланган давлатлардан фарқли ўлароқ, ривожланаётган мамлакатлардаги уй ҳўжалиқларининг аксариятида даромадларнинг мавсумий ўзгаришлари кузатилади, бу йил якунидаги ўртача йиллик даромад маълум мавсумдаги даромадани акс этмаслигини кўрсатади.

Камбағаллик – бу инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги, ҳаф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ночорлиги.

Бугунги кунда кўпгина ривожланаётган мамлакатларда камбағалликка қарши курашиш ва бу борада аҳолининг камбағаллигини аниқлаш мақсадида минимал харажатлар қўрсаткичидан фойдаланилмоқда. Бунда асосан кам даромадли оилаларнинг истеъмол хусусиятларидан келиб чиқиб, озиқ-овқатлар, ноозик-овқат товарлар ва хизматлар учун зарурий харажатлар миқдори белгиланади.

Ривожланаётган мамлакатларда камбағаллик даражасини ҳисоблашда даромад усулига нисбатан харажат усулидан фойдаланишнинг 5 та асосий сабаби мавжуд. Аввало, истеъмол харажатлар даражаси реал кўрсатиб берилди. Иккинчиси, истеъмол вақт давомида текис тақсимланган бўлиб, у фаровонлиқни узоқ муддатда аниқ акс эттиради. Учинчиси, уй ҳўжалиқлари ўз истеъмоли тўғрисидаги маълумотларини олаётган даромадига нисбатан хатосиз айтишади. Тўртинчиси, уй ҳўжалиқлари ўзи етиштириб ўзи истеъмол қиладиган маҳсулотларни етарлича эътиборга олишади. Бешинчиси, яширин иқтисодиёт мавжуд бўлган ҳолда даромадларни яширишга мойиллик юқори бўлади.

Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоботида норасмий иқтисодиёт салмоғи юқори бўлган ривожланаётган мамлакатлар сифатида Ҳиндистон, Вьетнам, Индонезия ва бошқалар келтирилган. Ушбу мамлакатларнинг барчаси камбағалликни баҳолашда истеъмол усулидан фойдаланишади. Хусусан, харажатлар усули Аргентина, Хитой, Малайзия, Филиппин, Грузия, Арманистон, Молдова ва бошқа қатор мамлакатларда кенг қўлланилади.

Камбағаллик даражасини ўлчашда харажат усулидан фойдаланиш даромад усулига нисбатан фаровонлиқнинг яхшироқ кўрсаткичи эканига айрим далилларни келтириш мумкин. Даромад, одатда, инсон ҳаёти давомида ўсиб боради ва ёши ўтгани сари пасаяди. Бундан ташқари, инсон даромадлари йилдан-йилга ўз-

гайиб туради, истеъмол эса нисбатан барқарор ҳисобланади.

Ўзбекистонда истеъмолнинг минимал даражасини аниқлашнинг бир неча хусусиятлари ҳисобга олинган. Минимал харажатларни ҳисоблашда асосий эътибор озиқ-овқатларга қаратилганини айтиб ўтиш лозим. Бу куйдаги асосларга эга:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиғи ташкилотининг тавсияларига асосан озиқ-овқатга минимал харажатлар қиймати бир киши кунлик 2200 ккал талабидан келиб чиққан ҳолда, сўровнома натижасида аниқланган.

Минимал истеъмол харажатлари бутун аҳолининг ўртача истеъмол даражаси бўйича эмас, балки камбағаллик чегарасига яқин аҳолининг истеъмол хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган.

Кам даромадли уй ҳўжалиқларининг умумий харажатларида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши, Статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 69 фоизни ташкил этади.

Шунинг учун зарурий маҳсулотлар рўйхати аҳолининг ўзига хос истеъмоли ва аънанавий маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларининг реал истеъмолидан келиб чиқиб белгиланади. Кам таъминланган уй ҳўжалиқларининг умумий харажатларида озиқ-овқат маҳсулотларининг улушидан келиб чиқиб, аҳоли жон бошига ўртача минимал истеъмол харажатлари ҳисоблаб чиқилади.

Таъкидлаш керакки, аксарият хорих мамлакатларида минимал харажатлар аҳоли жон бошига тўри келадиган ЯИМга нисбати 30 фоиздан ошмайди.

Қўлланиладиган ҳисоблаш усули бўйича минимал истеъмол харажатларининг дастлабки ҳисобланган даражаси Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг 27

» ЭНГ КАМ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ОДАМЛАРНИНГ РЕАЛ ЭХТИЁЖЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА, ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

фоизни ташкил қиладиган (таққослаш учун Қозғоғистонда 11 фоиз, Туркияда 17 фоиз, Россияда 19 фоиз).

Харажатларга асосланган камбағаллик чегараси нафақат ресурсларга бўлган эҳтиёжни, балки истеъмол қилиш заруратини ҳам акс эттиради. Бу хусусиятдан ташқари, харажатларга асосланган камбағаллик чегараси миллий маданий, ҳудудий, иқлим ёки бошқа омиллар тўғрисидаги нисбий фарқларни акс эттириши мумкин.

Камбағалликни аниқлашнинг харажатлар усулида аҳолининг таргет гуруҳи аниқлаб олинади. Таргет гуруҳи бу оилаларнинг умумий ўхшаш хусусиятлари билан бирлашган, бир мақсадга ёки вазифа учун интиладиган, манфаатлар ўзаро уйғун келадиган одамлар гуруҳидир. Харажатлар усули орқали камбағалликни аниқлашда айнан истеъмоли бир-бирига яқин бўлган, иқтисоди нисбатан паст оилалар танлаб олинади ва оилка харажатлари миқдори сўровнома орқали аниқланади.

Умуман харажатлар усулининг ўзига хослиги куйидагиларда намоён бўлади:

- аҳоли фаолияти учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари реал сарфланаётган харажатлар қиймати, келажакдаги меъерий истеъмол даражаси билан эмас, балки ҳозирда мавжуд объектив эҳтиёжларни қондиришига қаратилгани, истеъмол қилинаётган озиқ-овқат турларини маҳаллий ишлаб чиқариш билан боғланганлиги;

- ноозик-овқат маҳсулотлари тури ва таркиби реал талабдан келиб чиққан ҳолда, демография шароитининг ўзига хослигини, яъни кўп болалик оилаларнинг, ёшлар ва гўдақлар учун сарфланаётган қўшимча харажатларнинг ҳисобга олиниши;

- аҳолининг зарур хизматлар турларига харажатлар қийматини ҳисоблашда, давлат

томонидан кўрсатилаётган бепул хизматлар эътиборга олиниши;

- минимал харажатларни аниқлашда мамлакатда мавжуд кучли ижтимоий ҳимоя тизими мавжудлиги, кам таъминланган оилаларни уй-жой билан, дори-дармонлар, витаминлар, микроэлементлар билан таъминланаётганлиги, улар учун таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида ўрнатилган имтиёзларнинг эътиборга олиниши;

- камбағалликнинг мезонини асослашда боқимандалик, бюрократик тўсиқлар, коррупцияга йўл қўймаслиқни таъминлаш.

Мамлакатимизда аҳолининг реал истеъмолини аниқлаш, бунда кам даромадли оилаларда оилка истеъмол даражасини белгилаш бўйича минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш усули Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544-сон қарори билан тасдиқланган. Ушбу қарорга мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиғи ҳамкорлигида минимал истеъмол харажатлари (МИХ) миқдори аниқланди.

Минимал истеъмол харажатларини Ўзбекистонда камбағалликнинг миллий чегара мезони сифатида ҳисоб-китоб қилиниши халқаро таърибага асосланган. Тасдиқланган Низомга мувофиқ минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш етти та бир-бирига боғлиқ босқич асосида амалга оширилади.

Биринчи босқичда Давлат статистика қўмитаси томонидан жойларга чиққан ҳолда уй ҳўжалиқларининг истеъмоли, даромади ва яшаш шароитини инobatга олувчи сўровнома ўтказилади.

Иккинчи босқичда Давлат статистика қўмитаси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиғи билан биргаликда уй ҳўжалиқлари кесимида истеъмол қилинган озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар қиймати реал истеъмол қийматидан келиб чиқиб, таргет гуруҳи учун республика ўртача нархларида ҳисоблаб чиқилади.

Учинчи босқичда Давлат статистика қўмитаси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиғи билан биргаликда уй ҳўжалиқларининг аҳоли жон бошига истеъмол харажидан келиб чиқиб, ўсиш тартибида (10 фоизлик гуруҳ) бўлинади ва энг кам истеъмолга эга бўлган биринчи уч гуруҳдаги уй ҳўжалиқлари (таргет гуруҳи) ажратиб олинади.

Тўртинчи босқичда камбағал аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари харажати асосида бир килокалорияга сарфланган қиймат аниқланади.

Бешинчи босқичда бир килокалория қиймати Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таклиф этган энергия қиймати (2200 ккал) кўпайтирилиб, минимал озиқ-овқат харажатлари аниқланади.

Олтинчи босқичда таргет гуруҳининг умумий харажатларидаги озиқ-овқат маҳсулотлари аниқланади.

Еттинчи босқичда минимал озиқ-овқат харажатларини Энгель коэффицентига бўлиш орқали бир киши учун минимал харажатлар аниқланади.

Минимал истеъмол харажатлари республиканинг барча ҳудудларида, бевосита жойларга чиққан ҳолда, халқаро стандартлар асосида уй ҳўжалиқларининг истеъмоли, даромади ва яшаш шароитини инobatга олувчи 10,6 минг уй ҳўжалиқлари ўртасида ўтказилган сўровномалар асосида аниқланган. 2021 йил натижалари асосида ўтказилган сўровномага мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси минимал истеъмол харажатларининг янги қийматини ҳисоблаган. Ушбу аниқланган минимал истеъмол харажатлари камбағалликнинг мезони сифатида 2022 йилда минимал пенсия миқдори, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлашда қўлланилиши кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, энг кам истеъмол харажатларини аниқлаш одамларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, энг кам иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни белгилаш имконини беради. Бу, айниқса, коронавирус пандемияси ва аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат, дори-дармон, тиббий хизмат ва шу қабиларга нарх-навонинг кўтарилишидан ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Рустам ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиғи ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

БИЛАСИЗМИ?



Фуқароларни чет элга ишга жўнатиш учун пул ундирилмайди

Хусусий бандлик агентликлари томонидан фуқароларни хорихга ишга жўнатиш учун ҳақ ундириши тақиқланади. Бунда ишга жойлаштириш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий бандлик агентликларининг ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари учун эса БҲМнинг 1 баравари (270 минг сўм) миқдордан кўп бўлмаган миқдорда ҳақ ундирилиши мумкин.



Болалар учун шарбат маҳсулотларига хушбўй ҳид берувчи моддалар қўшиш тақиқланади

Кичик ёшдаги болалар учун шарбат маҳсулотларига хушбўй ҳид берувчилар, ранг берувчи моддалар, консервантлар ва ранг берувчи экстрактларни қўшишга йўл қўйилмайди.



Спорт тўғрақларига борадиган кам таъминланган оилалар фарзандларига чегирма берилди

Таълим муассасаларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи спорт тўғрақлари ташкил этилади.

Кам таъминланган оилалардан тўғрақка борадиганларга тўловлар 50 фоизга камайтирилади.

Бунда оиланинг кам таъминланганлиги "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" орқали аниқланади.

Бир оиладан 2 ёки ундан кўп фарзанд иштирок этганда, тўловлар имтиёзли равишда ҳар бир бола учун 70 фоиз миқдорда қўлланилади.



Хотин-қизларга "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилади

Қонунчиликка кўра, хорихий олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим дастурлари бўйича – 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича – 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратиб борилади.



Яроқлик муддати йўқ маҳсулот сотиш тақиқланади

Куйдагиларда ишлаб чиқарилган сана-си, яроқлик муддати ҳамда уларни сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим:

- ☞ дори воситалари;
- ☞ тиббий буюмлар;
- ☞ озиқ-овқатлар;
- ☞ маиший кимё товарлари.

Сотувчиларга ишлаб чиқарилган сана-си ва яроқлик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлик муддати ўтган товарларни қабул қилиш ҳамда сотиш ман этилади.



Турар жой даҳаларидан чиқишда ҳайдовчилар бошқа ҳаракат қатнашчиларига йўл беришлари керак

Турар жой даҳаларидан чиқишда ҳайдовчилар бошқа ҳаракат қатнашчиларига йўл беришлари керак.

Шунингдек, турар жой даҳаларида куйдагилар тақиқланади:

- механик транспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш;
- двигатели ишлаб турган ҳолда тўхтаб туриш;

- рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларининг махсус ажратилган, йўл белгилари ва (ёки) йўл чизиқлари билан белгиланган жойлардан ташқарида тўхтаб туриши.

t.me/huquqiyaxbotot

KO'PNING DARDI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



ДЕНОВДА “ШАЙТОН КЎПРИК” ПАЙДО БЎЛДИМИ?

Одамларни рози қилиш ва дарду ташвиши билан яшаш устувор вазирадир. Бунинг учун ҳар бир раҳбар давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиши керак. Лоқайдлик ва бепарволик эса муаммоларни кўпайтиради. Ҳақли ва ўринли эътирозларни келтириб чиқариши табиий.

Денов туманидаги “Чўнтош” маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли ҳам бугун шу кўйга тушган. Кексаю ёш қарийб икки ойдан буён сарсон-саргардон.

Ҳақ шундаки, 2019 йилнинг бошларида “Турон мега строй” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Хазорбоғ — Оққапчиғай” каналида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланганди. Мухим сув ўтказгич иншоотининг юза қисми 24-25 метр кенгайтирилиб, қирғоқлар 3 метргача кўтарилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, Қизирик, Шеробод, Музработ, Бандихон ва бошқа туманларга обиҳаёт етказиб беришдир. Хайрли ва эзгу ишнинг амалга ош-

гани яхши, албатта. Аммо юк ташувчи залворли техникаларнинг мунтазам ҳаракатлиниши натижасида “Чўнтош”-даги кўприк яроқсиз аҳволга келиб қолди. Аҳоли ва транспорт воситалари 1 километрли айланма йўлдан юришга мажбур бўлмоқда. Ўқувчиларнинг бир қисми ҳатто, мактабгаям боролмаяпти.

— Қир ва адирлар этагида жойлашган қишлоқларда 3 минг 160 нафарга яқин аҳоли яшайди, — дейди “Чўнтош” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП фаоли Ҳимматой Аллаёрова. — 552 та хонадон бор. Шу йилнинг март ойида кўприкда ёрик ҳосил бўлганди. Апрельнинг бошларида эса ярми чўкиб

кетди. Муаммо туман ҳокимлиги ва прокуратураси тусаддилари томонидан жойида ўрганилди ҳамда бир ҳафтада ижобий ҳал қилиниши айтилганди. Афсуски ундай бўлмади.

Йўл ўтказгичнинг бир қисми олиб ташлангандан кейин саховатпеша ҳомийлар ёрдамида “осма кўприк” қуришга мажбур бўлдик. Кимдир тахта олиб келган бўлса, бошқа бир юрдошимиз арматурадан ёрдам қилди. Мақсад вақтинча бўлса-да, қулайлик яратиш ва ўқувчиларнинг мактабга боришини таъминлаш эди...

— Нохуш ҳолатга ҳам ачинасиз, ҳам куласиз, ҳам куясиз, ҳам жаҳлин-гиз чиқади, — давом этади маҳалла фаоли Зиёдулло Муродов. — “Тўпаланг-Қоратог” ирригация тизимига қарашли мазкур кўприк аслида ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган. “Турон мега строй”нинг юк ташувчи машина ва 25-30 тоннали тракторларнинг серкатновлиги туфайли 4-5 ойдаёқ бутунлай носоз аҳволга келиб қолди.

Орадан кўп ўтмай, ярми “узилган” “шайтон кўприк”, ундан кейин эса “осма”си “дунёга келди”. Омонатгина “кўприкча”нинг кенглиги ва баландлиги бир метрча келади. Тор “йўлак”ка қадам қўйишга қўрқасан, киши. Тахталардан “ғичирлаган” овоз чиқади. Симтўрларнинг ораси 30-35 сантиметргача очик. Ҳалинчақдек “ликкиллашмини” айтмайсизми? Ундан болалар тугул, ҳатто катта ёшдаги кишиларнинг ўтиши ҳам амри-маҳол.

Яна бир ачиқ ҳақиқатни айтмасам бўлмайди. Баҳор мавсуми бўлгани учун тез-тез ёмғир ёғиши табиий. Осмонга булут чиқса, хавотирга тушадиган бўлиб қолганми. Чунки канал қирғоқларининг бир қисми ҳанузгача бетон қилинмаган. Фавқулодда сув тошиб кетса ёки тўсатдан сел келса болми...

— Даргоҳда 540 нафар ёш таълим-тарбия олади, — дейди 37-мактаб директорининг ўринбосари Отабек

Нуров. — 70 нафарга яқин устоз ва педагоглар фаолият кўрсатмоқда. Айрим ота-оналар фарзандларини мактабга қўймапти. Канал тўлиб оқади, бетон кўприк йўқ, “осма”си ниҳоятда хавфли. Дарё қирғоғи ва йўл четларида ҳатто, химоя тўсиқлариям қўйилмаган. Нима қилишга ҳайронмиз.

— Сув таъминотини яхшилаш давр талаби, — дейди Денов туман ҳокимлигининг матбуот хизмати раҳбари Феруза Тўраева. — Бу борада вилоятда эзгу ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда. “Турон мега строй” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Хазорбоғ — Оққапчиғай” каналлар тизимининг қайта тикланаётгани ҳам шулар жумласидандир. Гидроиншоот 17 метр куб сув сигимига мўлжалланган бўлса, йил охиригача бу кўрсаткич 70-75 метр кубга етказилади.

Денов тумани “Чўнтош” маҳалласидаги кўприкни эса (ПК-141+96-ҳудуд) шу йилнинг 21 октябрга қадар реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бу иш “Турон мега строй” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилиши белгиланган. Ҳозирда тегишли лойиҳалар тайёрланмоқда. Хужжатлар тасдиқлиниши билан қурилиш-таъмирлаш юмушлари бошлаб юборилади.

Баҳорнинг сўнгги ойи давом этмоқда. Олдинда ҳали тўқсон кунлик ёз фасли бор. Энди қишлоқ аҳолиси нима қиладию фарзандларимизнинг мактабга бориши ҳамда таълим-тарбия олишлари қай тартибда йўлга қўйилади? Ёки яна ярим йилча куттишга тўғри келадими? Октябрда Худдо бериб, қаттиқ ёғингарчилик бошласан нима бўлади?

Мутасаддилар шулар ҳақида чуқурроқ йўлаб кўрсалар, 3 минг 200 нафарга яқин аҳолининг қийинчиликлари тезроқ ариган бўларди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ХОТИРА — АЗИЗ

ИБРАТЛИ ҲАЁТ

УНИНГ БОЛАЛИГИ ҚОРАДАРЁ БЎЙИДАГИ ҚИШЛОҚДА ЎТДИ. ҲОЗИРГИ САМАРҚАНД ВА НАВОИЙ ВИЛОЯТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БУ ҚИШЛОҚ ЎША ПАЙТДА “РУС” НОМИНИ ОЛГАНДИ.

АНА ШУ ҚИШЛОҚДАГИ РАВШАН АРАЛОВ ХОНАДОНИДА 1958 ЙИЛНИНГ 26 ФЕВРАЛИДА ТУҒИЛГАН НЕЪМАТИЛЛА ЭСИНИ ТАНИГАНДАН БОЛАЛИК ДУНЁСИГА СИНГИБ КЕТДИ. У ОТА-ОНАСИ БАҒРИДА БОШҚА МУРҒАК ҚАЛБЛАР ҚАТОРИ УЛҒАЯ БОРДИ. МАКТАБГА БОРГАЧ, МУАЛЛИМЛАР МЕҲРИНИ ҲИС ЭТДИ.

Ўрта мактаб ўқувчиси Неъматиллада табиатга, чор-атроф манзараларига, одамлар ҳаётига қизиқиш катта эди. Ўқитувчиларидан билмаганларини сўраб, билганларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир дарсни чуқур ўзлаштиришга интиларди. Айниқса, қалбида биология ва химия фанларини ўрганишга иштиёқ ошиб борарди. Шу жараёнда табиёт тизимидаги муаммолар, қишлоқларда даволаш муассасаларининг камлиги, шифокорларнинг етишмаслиги уни безовта қила бошлади.

Ана шундай саволларидан бирига химия фани ўқитувчисининг берган жавоби ҳақида кўп ўйлади. “Наҳотки, — деди у, — биз ўқувчиларга ҳар бир дарсда, ҳар бир ўқитувчимиз томонидан Ватанимиз қудратининг бекиёслиги айтилади. Шундай қудратли давлатнинг бундай муаммоларни ҳал этолмаслигига ишониб бўлмайди”.

Ўша ўқитувчиси айтганидек, у мактабни битирди, танлаган соҳаси бўйича институтда ўқишни давом эттирди, дипломи бўлди ва ишлаш бошлади. Соҳадаги муаммолар эса ҳамон ўша-ўша эди.

1975-1981 йилларни ўз ичига олган талабалик йиллари, 1981-1985 йиллардаги Самарқанд шаҳар 1-шифоҳонасида терапевт вазифасида, кейинчалик шифоҳона терапия бўлими мудири бўлиб фаолият кўрсатган даврида табиётда бирор олға силжиш кузатилмаганини англади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, салкам ўн йил мобайнида мазкур шифо муассасасининг аллергия-пульмонология бўлимини бошқарди. Сўнгра Самарқанд давлат табиёт институтининг “4-ички касалликлар” кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатди. Самарқанд шаҳар табиёт бирлашмаси пульмонология ва аллергия бўлими мудири, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош пульмонолог вазифаларида ишлаган пайтларида ҳам мамлакатда табиётга жиддий эътибор қаратилганини сезмади. Аникроғи, эътибор берилдию, аммо қабул қилинган қарорлар, белгиланган чора-тадбирлар фақат қоғозда қолди.

Неъматилла Аралов эса ён-атрофидаги ҳамма воқеа-ҳодисаларга эътиборсиз бўлмади. Билдики, соҳада ҳали муаммолар кўп, уларнинг ҳаммасини бирданга ҳал этишнинг эса имкони йўқ. Тизимдаги ислохотларнинг жадал давом эттирилиши, хусусий табиёт муассаса-

» **ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАРГА ШИФО ИСТАБ КЕЛУВЧИЛАР КЎП. УЛАР БИРГИНА САМАРҚАНД ШАҲРИ ЁКИ ВИЛОЯТИДАН ЭМАС, БАЛКИ, КЎШНИ ВИЛОЯТЛАР ФУҚАРОЛАРИ ҲАМ БОР. ХУСУСИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАСИ ХИЗМАТИДАН УЛАР РОЗИЛИК БИЛДИРИШАДИ, ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ АЙТИШАДИ.**

ларининг кўпайтирилиши билангина мақсадга эришиш мумкин. Аммо бу осон эмас. Бунинг учун энг аввало, соҳа ходимларининг, аҳолининг бу борадаги қарашлари ўзгариши керак. Одамлар ишончига кирмасдан эса ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Тажрибали шифокор ҳаракатлари, излашлари, бой тажрибаси, фан ва амалиётда бажарган ишлари туфайли Ўзбекистонда пульмонология бўйича ўз мактабини яратди, дейиш мумкин эди.

Ўз соҳасининг билимдони 1994 йили табиёт фанлари номзоди даражасини олди, 2005 йили эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олим томонидан 220 дан ортиқ илмий ишлар қилинди. Иккита монография, 18 та ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди. Неъматилла Аралов хорижда, хусусан, Европа ва МДҲ мамлакатларида, шунингдек, республикамизда ўтказилган кўплаб илмий-амалий анжуманларда, конференцияларда фаол иштирок этди, имтиёзли дипломлар ҳамда сертификатлар эгасига айланди.

Жумладан, табиёт фанлари доктори Неъматилла Араловнинг 2003 йил Европа республикалар жамиятининг (ERS) Вена (Австрия) конференциясининг кумуш медали соҳиби, 2007 йил Европа республикалар жамиятининг (ERS) Антверпен конференцияси олтин медали соҳиби бўлган. У бу ютуқлар билангина че-

гараланиб қолмади. Европа респираторлар жамиятининг (ERS) 2009 йил АҚШда, 2012 йил Австрияда, 2013 йилда Буюк Британияда, 2017 йил Нидерландияда, 2019 йил Францияда ташкил этилган конференцияларида ўз илмий мақолалари билан қатнашди.

Ўзбекистон табиётининг таниқли намоёндаларидан бири, профессор Абдуғаффор Гадоевнинг “Ички касалликлар” китоби ҳақида мамлакатимиз табиёти вакилларининг аксари ижобий фикр билдиришади. Айнан ушбу китобга Ўзбекистон терапевтлар мактабининг асосчилари ва намоёндалари номлари киритилган. Ана шу рўйхатда самарқандлик профессор Неъматилла Араловнинг ҳам исми-шарафи келтирилган. Бу эса бутун ҳаётини, билимини, бой тажрибасини аҳоли саломатлигига бағишлаган жонкуяр шифокор меҳнатларининг эътирофидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Неъматилла Аралов хусусий табиёт муассасасининг афзалликларини доимий ўрганиб борди. Ўз олдида шундай бир шифоҳона ташкил этишни мақсад қилиб қўйди. Соҳа раҳбарлари, мутахассислари билан фикрлашди, керакли жойларда тажриба ўрганди. Ниҳоят, Самарқанд вилоятида биринчилардан бўлиб бу ишга қўл ўрди. Самарқанд шаҳрида бир эмас, иккита шифо муассасаси ишони йўлга қўйди. Унинг ташаббуси ва ҳаракатлари билан Самарқанд шаҳрида “Doctor Aralov Medical” ҳамда “Shifot Shifo” кўп тармоқли хусусий табиёт клиникалари ташкил этилди. Уларда қатор хасталикларни даволашга киришилди.

Неъматилла Араловнинг турмуш ўртоғи Ҳабиба Рўзиева ҳам табиёт ходимаси. У врач сифатида умр йўлдоши билан ҳамisha ҳамкор ҳамнафас яшади. Ҳозир эса Ҳабиба опа нафақада. Улар уч нафар фарзанд тарбиялашди. Ўғиллари Шухрат Равшанов тадбиркор, Шавкат эса ота-она касбини танлади. Айни пайтда Шавкат Неъматиллаевич табиёт бўйича фалсафа фанлари доктори, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий табиёт марказида Қўл ва оёқ жарроҳлиги бўлими мудири вазифасида фаолият кўрсатаётти. Қизи Феруза Неъматиллаевна Ниязова (Равшанова) “Dr. Aralov Medical” МЧЖга қарашли клиникада аллергия-пульмонология бўлими мудири.

2020 йил бошидан бутун жаҳон халқи саломатлигига хавф солган коронавирус, деб аталган мудҳиш касаллик ҳеч бир мамлакатни, ҳеч бир халқни аямади. Бутун дунё шифокорлари, жумладан, мамлакатимиз табиёт ходимлари бу даврда аҳоли саломатлиги йўлида ҳатто ўз ширин жонларини қурбон қилишга ҳам тайёр туриши ва шу асосда меҳнат қилиши, кунларни тонгларга улаб, беморларнинг шифо топиши йўлида ҳаловатларидан кечишди. Ҳатто ҳафта-лаб уйларида боришмади. Улар бутун меҳрларини беморларга қаратишди. Қўринмас “душман” билан мардонавор жангга киришилди.

Тиббиёт фанлари доктори, тажрибали пульмонолог Неъматилла Аралов ҳам шундай оқ халат соҳибларидан бири эди. У бутун дунё табобати чорасини топишга ожизлик қилаётган хасталиқдан қанчадан-қанча оғир касалларни ҳаётга қайтарди. Керак бўлганда, коронавирус дардига чалинганларга онлайн ва жонли равишда беминнат тиббий маслаҳатларини бериб



борди. Шундай мураккаб даврда оғир дард билан беморларга қўшилиб олди. Негаки, у бир умр Самарқанд шаҳар касалхонаси аллергия-пульмонология бўлимини бошқариб келган ҳамда Самарқанд давлат табиёт институтининг “4-ички касалликлар” кафедраси мудири вазифасида фаолият кўрсатганди. У коронавирусга қарши кураш “фронти”нинг жасоратли жангчисига айланди. Ҳар соат, ҳар дақиқада беморларнинг яқинида, халоскорига айланди. Афсус, кўзга кўринмас “душман” қалби меҳрга тўла бу оқ халат соҳибини ҳам хасталар сингари исканжага олди. Охир-оқибатда у беморлари саломатлиги йўлида ўз жонини ҳам қурбон айлади.

Неъматилла Аралов ташкил этган хусусий клиникаларга шифо истаб келувчилар кўп. Улар биргина Самарқанд шаҳри ёки вилоятдан эмас, балки, қўшни вилоятлар фуқаролари ҳам бор. Хусусий табиёт муассасаси хизматидан улар розилик билдиришади, табиёт ходимларига миннатдорлик туйғуларини айтишади.

Меҳрибон ва билимдон шифокор, ажойиб олим Неъматилла Аралов асос солган табиёт муассасаси бугун “Dr. Aralov Medical” МЧЖ номи билан машҳур. 80 ўринли стационарга эга табиёт муассасасида 50 нафарга яқин табиёт ходими ишлайди. У ҳозирги кунда Терапия ва реабилитация марказига айлантирилган. Марказда терапиянинг барча соҳалари бўйича даволаш ишлари йўлга қўйилган.

Иккинчи табиёт муассасаси — “Sixat shifo” МЧЖга қарашли клиникаси айни пайтда реконструкция қилинапти. Келажақда бу ерда хирургия, травматология-ортопедия йўналишларида фаолият олиб борилиши режалаштирилмоқда.

Неъматилла Аралов туғилиб ўсган Каттақўрғон туманидаги “Рус” қишлоғига бугунги кунда эски “Найман” номи қайтарилган. Неъматилла Аралов она қишлоғи тараққиёти йўлида бир қатор савоб ишларни амалга оширган эди. Жумладан, у ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан қишлоқда 300 ўринли тўйхона, маиший хизмат шохобчаси, футбол майдони ва маҳалла маркази қуриб берганди. Улар 2019 йилда ишга туширилган эди. Ҳозир эса бу хизмат кўрсатиш жамоаларида 40 нафардан ортиқ қишлоқ фуқаролари иш билан таъминланган.

Неъматилла Аралов бугунги кун қаҳрамонларидан эди. Унинг фидокорлиги, жонқуярлиги, ишбилармонлиги кўпчилик учун ибрат бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Абдурасул САТТОРОВ,
журналист.

YAXSHILAR YODI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

БЕКМУРЗА
ЖОВБЎРИЕВ

ДАЛАСИГА ҚАЙТДИ



Паст Дарғомда бу инсон ҳақида гап очилса, одамлар энг аввал, унинг инсонийлиги, эзгулик йўлидаги ишлари ҳақида гапиришади. Институтни битирганига кўп бўлмай, хўжаликка раис бўлгани ва бу лавозимда бир умр меҳнат қилгани ҳақида сўзлашади. Яна эслашадими, "Жовбўриев Паст Дарғомнинг таникли кишилардан бири эди. У етакчилик қилган хўжаликда пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа соҳалар бўйича белгиланган режалар бирор марта бажарилмай қолмасди, яна ҳосили сифатли бўлиб, миқдор жиҳатидан ҳам бошқаларникидан фарқ қиларди. У кишини қишлоқ хўжалигида алоҳида мактаб яратган, дейилса асло муболага бўлмайди".

Паст Дарғомда кўплаб таникли раҳбарлар, деҳқонлар меҳнат қилган. Уларнинг ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги, қатъиятлиги натижасида ишлаб чиқариш ривожланган, манфаатдорлик ошган.

Паст Дарғомнинг "Жуз" қишлоғида туғилиб ўсган, бутун ҳаёти даврида қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнат қилган, "Навбахор" деб аталган жамоа хўжалиги ишлаб чиқаришига янги ҳаёт, янги руҳ бахшида этган Бекмурза Жовбўриев пахтачилик ва

ғаллачилик тараққийнинг ёрқин йўллари излади. Самарали меҳнати, бой тажрибаси, жиддий изланиши, чуқур билими туфайли мақсадига эришди. Утган асрнинг саксонинчи ва тўқсонинчи йиллари оралиғида хўжалик раиси сифатида бошлаган жиддий ҳаракатларини ўша давр талаби асосида амалиётда синовдан ўтказди. Бу синов ҳақиқий меҳнат фаолиятининг энг эътиборли жиҳатлари очилишига хизмат қилди. Ортидан шоғирдлари, фарзандлари эргашди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври Бекмурза Жовбўриев ҳаёти ва меҳнат фаолиятида алоҳида ўрин тутди. У англадики, мустақилликнинг дастлабки йилларида одамлар янги ҳаёт, янги ҳаёт қиришга жиддий интилишди. Бу қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ўз аксини топди. Лекин бу ҳаракатларнинг амалий натижасига эришиш осон эмасди. Бунинг учун вақт керак бўлди. Айниқса, давлат мулкидан хусусий мулкка ўтиш йўлида кўплаб муаммолар бор эди. Уларни ҳал этиш мобайнида қанчалар йўқотишлар бўлди. Аммо кўзланган мақсад йўлида ортага йўл йўқ эди.

Шундай даврда Бекмурза Жовбўриев раҳбарлигидаги жамоа хўжа-

лигида ҳам мулк шакли ўзгарди. У бошқараётган жамоа хўжалиги ўрнида муқобил машина-трактор парк вужудга келди. Янгидан ташкил этилган фермерларга эркинлик берилди. Аммо уларнинг кўпчилиги ана шу эркинликдан фойдалана олишга тайёр эмасди. Бунинг устига у пайтларда бутунлай бошқа соҳа эгалари вакиллари ҳам фермерлар орасига кириб қолганлар бор эди. Уларнинг деҳқончиликни яхши тушунамаслиги ММТП раиси учун қўшимча ташвишлар, муаммолар келтириб чиқарарди. Ҳар бир фермерга юриштириш тушунтириш, таъминот масаласида ҳақ-ҳуқуқларини англаштириш осон эмасди.

1961 йилнинг 15 майида туғилган Бекмурза Жовбўриев тумандаги 59- ва 21-ўрта мактабларда ўқиди. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетида тахсил олди. Хашак бригадари, ферма мудир бўлиб ишлади. 26 ёшида "Навбахор" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси бўлди. Мустақиллик даврида мулкчилик шаклининг ўзгариши туфайли жамоа хўжалиги ММТПга айлантирилди. У ўрмининг охиригача ана шу ММТПни бошқарди.

Бекмурза Жовбўриевнинг ташаббуси билан бир неча фермер хўжаликлари ташкил этилди. Улардан бири – "Чортоқ" фермер хўжалигига турмуш ўртоғи Малоҳат Маҳамова раислик қилди. Кейин эса Малоҳат опа "Оқ олтин ғалла бошоғи" фермер хўжалиги ишини йўлга қўйди. Шу ўринда айтиш лозим, Малоҳат Маҳамова ҳозир нафақада, фарзандлар, набиралар ардоғида. У ҳаж сафарини адо этиб келган. Яқинда эса кичик фарзанди Фаррух Жовбўриев онага жиддий бир тақдир айтди.

– Она, – деди у. – Раҳматли отам билан бир умр аҳил-иноқ ашадингиз. Биз, фарзандлар келажимиз учун ўзингизни ўтга-чўққа урдингиз. Ҳозир ҳожи онасиз, мен эса яқинда бир туш кўрдим. – Яхшиликка бўлсин, болам, – деди ҳожи она фарзандига меҳри ийиб. – Қани, айт-чи, нима экан у.

Шундан сўнг Фаррух туши ҳақида гапириб, онасига умра сафарига боришни тавсия қилди.

– Она, отамнинг руҳини мени шунга даъват этаётгандек. Кўрган тушимнинг таъбири ҳақида ўзингиз ўйланг.

Ташкилий вазибаларнинг ҳаммасини ўзим бажараман. Қолаверса, отамнинг туғилган кўни яқин. Сиз билан биз шундай эзгу ишларга қўл урсак, ўйлайманки, отамнинг руҳи шод бўлади.

Бекмурза Жовбўриев ва Малоҳат Очиллова оиласи бошқалар учун ибрат мактаби бўлди. Улар тарбиялаган фарзандларнинг мўмин-қобиллиги, ишбилармонлиги, билимдонлигига қишлоқдагиларгина эмас, тумандегилар ҳам ҳавас қилди. Ҳозир тўнғич фарзанд Жамшид Жовбўриев тумандаги "Чўлқувар" хусусий корхонаси раҳбари. Хуришид Жовбўриев "Хончорбоғ" ММТП раиси. Нарғиза Жовбўриева хусусий мактабгача таълим ташкилоти директори ва кенжа фарзанд Фаррух Жовбўриев "Паст Дарғом мева-сабзавот МЧЖ" деҳқон бозори раиси.

– Ҳар кун отам билан хаёлан суҳбатлашаман, – дейди Фаррух Жовбўриев иш столидаги отаси расмига тикилиб. – Ҳозиргача бир неча туман ташкилотига раҳбар бўлиб ишладим. Мана шу сурат эса менинг доимий йўлдошим ва йўлбошим. Назаримда, отам доим тирик, у менинг ёнида, маслаҳат беради, йўл кўрсатади, ютуқларимдан қувонади, хато қилсам, тўғри йўлга тушиб олишимга ёрдам беради. Суратдаги отамнинг нигоҳларида мен асло ғамгинлик кўрмайман, аксинча, бахтли келажак сари ундаётганини ҳис этаман.

2014 йилнинг 29 сентябри мен учун қайғули кун бўлиб қолди. Ўша кун отажонимни, меҳрибонимни бир умрга йўқотдим. Шундан буён уни соғинаман, меҳрга тўла сўзларини эшитгим келади. Афсус, шафқатсиз ҳаёт истакларимга йўл бермайди. Унсиз суратга боқаман. Баъзан шодон, баъзан қайғули ҳолда отажоним билан ёлғиз суҳбатлашаман. Ундан нарисига эса ўтишининг имкони йўқ.

Секин шивирлайман: "Отажон, Сизни жудаям соғиндим. Қанийди, ёнимизда бўлсангиз, юртимиздаги ўзгаришларни, оиламизнинг фаровонлигини бир кўрсангиз эди. Майли, Яратганнинг ҳукми, тақдиримиз шу экан. Энди биз фарзандлар Сизнинг ишларингизни давом эттираемиз. Руҳингиз асло безовта бўлмасин, отажон!"

Паст Дарғомнинг таникли иқтисодчиларидан бири Учқун Амиров Бекмурза Жовбўриев ҳаёт ва меҳнат

фаолиятини яхши биладиган дўстларидан бири. У туман ҳокимлигида узоқ муддат ишлаган. Шу йилларда Бекмурза Жовбўриевнинг энг яқин дўстларидан бирига айланганди.

– Туман миқёсидаги кўпгина мажлисларда Бекмурза дўстимнинг фарзандларини учратиб қолардим. Уларнинг ҳаммаси – уч ўғил ва бир қиз ҳам танлаган соҳаларида раҳбарлик лавозимларида ишлайди. Шундай мажлисларда баъзан улар сўзга чиқишади, кун тартибидеги масала юзасидан фикр билдиришади, таклифларини ўртага ташлашади. Бундай пайтларда сўз берилаётганда мен учун улар исм-шарифлари эълон қилинишининг аҳамияти катта. Нима учун? Шунинг учунки, сўзга чиқувчи маълумотлари эълон қилинаётганда албатта, Бекмурзаевич ёки Бекмурзаевична атамаси айтилади. Бироз раسمىроқ давраларда эса Бекмурза Дўстмуродовичнинг фарзандлари одоб-ахлоқли, меҳр-муҳаббатли инсонлар бўлишибди, халқимиз бежизга "Олманинг тағига олма тушади" иборасини ўйлаб топмаган-да, дейишади. Мен эса бундай пайтда таъсирланиб, ҳаяжонланиб кетаман. Дўстим ҳақида ўйларга берилсаман. Ҳаёлимда у фарзандининг сўзларини эътибор билан тинглаётгандек, ўринли таклифларидан, маъноли фикрларидан хурсанд бўлаётгандек бўлади. Шундай пайтларда мен ҳам хурсанд бўлам. Дўстимнинг фарзандлари эл қорига ярайдиган инсонлар бўлганларидан, жамиятда ўз ўрнини топаётганларидан қалбим қувончга тўлади.

Жовбўриевлар фарзандлари ташаббуси билан ота номи абадийлаштирилди. У киши бутун умри мобайнида фаолият кўрсатган ММТПга Жовбўриев номи берилди. Бундан буён у "Жовбўриев Бекмурза ота ММТП" деб аталадиган бўлди.

Бу инсон қадрига берилаётган эътибор натижаси. Энг қувончлиси, фарзандларининг эътибори, падали бузрукворларини, унинг ҳаётлик даврини бир зум ёдларидан чиқармасликларидир.

ММТПга номи берилиши билан Паст Дарғомнинг таникли раиси Бекмурза Жовбўриев яна даласига қайтди. Бир пайтлар унинг меҳнати, ақл-заковати, ташкилотчилиги билан ана шу далада қишлоқ хўжалигининг кўплаб соҳалари ривож топган. Ана шу меҳнати туфайли қанчалар одамларнинг тирикчилиги ўтган. Энди эса бу ердаги шундай эзгу ишлар "Жовбўриев Бекмурза ота ММТП"да давом эттирилади.

Абдурасул САТТОРОВ,
журналист.

ЭЪЛОН

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ
ЖАМОАТ ФОНДИ

"Ижтимоий-маънавий муҳит барқарор бўлмаган маҳаллаларда аҳолини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликка жалб қилишга қўмаклашиш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 1-танловни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ишсиз хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорлик, банк-молия соҳасидаги билимларини ошириш ҳамда доимий бандлигини таъминлаш;
2. Боқувчисиз бўлмаган ва ногирон хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уй хўжалигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга қўмаклашиш;
3. Эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий-маънавий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш;
4. Уюшмаган ёшларни касб-хунар эгаллашга жалб қилиш, уларга ижтимоий-маънавий ва психологик қўмак кўрсатиш;
5. Маҳаллалардаги эҳтиёжманд аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг хоҳиш ва истакларини ўрганиш ҳамда истеъдодларни қўллаб-қувватлаш;
6. Меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга тизимли профилактик, бандлик ва бошқа шу каби соҳаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш;
7. Низоли вазиятлар, оилавий-маиший зўравонлик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олишда жамоатчиликнинг ролини юксалтириш;
8. Нотинч ва ноқобил фарзандлари бўлган оилалар билан манзилли иш олиб бориш, барқарор

маънавий муҳитни яратиш;

9. Одам савдосининг олдини олиш бўйича профилактик ишлар ва ундан жабр кўрганларга ижтимоий-психологик, иқтисодий ва маънавий қўмак кўрсатиш.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fondngo.uz расмий веб-сайти ва t.me/group_jamoat_fondi телеграм каналида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари. Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 100 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2022 йил 30 апрелидан 31 майгача қабул қилинади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ
ЖАМОАТ ФОНДИ

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди "Аҳолига ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини етказиш, уларнинг онги, маънавий-маърифий дунёқарашини ўзгартириш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун 2-танловни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари қабул қилинади:

1. Маҳаллада "Жаҳолатга қарши маърифат" ғояси асосида кенг тарғибот ишларини тизимли ташкил этиш;
2. "Маҳалла – ижтимоий адолат маскани" шiori остида ислохотларнинг мазмун-моҳиятини маҳалла аҳолисига сингдириш;
3. "Адолат – қонун устуворлигида" маҳалла фуқароларида юксак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш;
4. "Мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқдир!" жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш;
5. "Конституция менинг тақдиримда" аҳолини ўз ҳуқуқларини пухта билиш ва қонун устуворлигини таъминлашга ўргатиш;
6. Маҳаллаларда бунёдкорлик ишлари ва ижтимоий-маънавий ўзгаришларни инглиз, рус ва бошқа хорижий тилларда ёритиш ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш;
7. Янги Ўзбекистон стратегиясининг маҳалладаги амалий натижасини миллий ва хорижий медиа манбаларда ёритиш;
8. Демократик ислохотлар натижалари, инсон қадрининг маҳалладаги амалий ифодасини босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш ишларида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтириш;

10. "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" ғояси асосида ота-боболаримиздан аерос бўлиб қолган илм-маърифат дурдоналарини маҳолнинг кенг қатламга тушуштириш ишларига қўмаклашиш.

Давлат гранти ажратиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fondngo.uz расмий веб-сайти ва t.me/group_jamoat_fondi телеграм каналида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ҳамда қўллаб-қувватлаш хатлари. Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 100 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2022 йил 30 апрелидан 31 майгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй. Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fondngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй. Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fondngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

MULOHAZA



ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?

МАМЛАКАТНИНГ ДЕМОКРАТИК ЙЎЛДАН БОРИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ УЧУН КАТТА СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР ҚЎЙИЛДИ. АВВАЛИГА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ, ЭНДИЛИКДА 100 ТА МАҚСАДНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ. ДУНЁНИНГ ИЛГОР ДАВЛАТЛАРИ ҚАТОРИГА КИРИШ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲУРМАТИНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ КАБИ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР БИЛАН ЯШАМОҚДАМИЗ. ДАВЛАТНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ БИЛДИРУВЧИ МЕЗОНЛАР АНИҚ. УЛАРНИНГ АСОСИНИ ШУНГА МОС РАВИШДА МАМЛАКАТДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН СИЁСАТ ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ, ХАЛҚ ОЛДИДА ҲИСОБДОРЛИК, ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ДЕГАН ЭНГ БИРЛАМЧИ МАСАЛАЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ДЕМАК, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ БИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, ИНСТИТУТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ УЧУН НИҲОТДА МУҲИМ.

Айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш-қўймаслик масаласини ташаббускорларнинг ўзи ҳал қилиши, йўл ҳаракати қондаларининг янги таҳрири очик муҳокамагарисиз ишлаб чиқиши айрим саволларни юзага келтиради. Умуман, жамоатчилик фикри билан боғлиқ масалаларда эҳтиёткорликка ўхшаш вазият кузатилаётгандек.

Лекин алдамчи ҳиссиёт бўлиши мумкин. Чунки 2018 йилда мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг очиклиги, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида "Mening fikrim" веб-портали яратилган. Мазкур платформа айнан аҳоли фикрини қонун чиқарувчи органга, мутасаддиларга, қонун ижодкорларига етказиш учун шахсан давлат раҳбари илгари сурган ғоя асосида ташкил этилган ва у жуда ҳам муҳим вазифани бажариши керак эди. Орадан 4 йил вақт ўтибди. Мана шу давр мобайнида қанча масала кўриб чиқилди ва улар асосида қанча қарор қабул қилинди? Умуман, порталга йўлланган мурожаат, унда билдирилган фикр ва таклифлар тақдирини нима бўляпти?

Порталда келтирилишича, аҳоли давлат ва жамият аҳамиятига молик муҳим масалалар юзасидан қонунчиликка таклифларини электрон жамоавий мурожаат шаклида юбориши мумкин. Мурожаат эса ушбу тизим модератори, яъни Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан экс-

пертизадан ўтказилгандан сўнг веб-порталда эълон қилинади. Электрон жамоавий мурожаат жамоатчилик томонидан етарли миқдорда қўллаб-қувватланганда у тегишлилиги бўйича Олий Мажлис палаталари ёки халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши томонидан қўриб чиқиши ҳам таъкидланган.

Шу кунга қадар "Mening fikrim"га 5400 дан ортиқ жамоавий мурожаат йўлланган ва 28000 дан кўпроқ изоҳ, фикр, таклиф қолдирилган.

Бу портал фаолиятини ўрганганимизда баъзи саволлар пайдо бўлди. Масалан, оригинал таклифлар бор, лекин улар етарлича овоз тўплай олишмаган. Бунга балки одамларнинг портал ҳақида етарлича ёки умуман хабари йўқлиги сабабдир. Етарлича овоз тўплаган таклифлар хали амалга ошмаган, айнан шу нарса одамларда порталга нисбатан ишончсизлик руҳини пайдо қилаётгандир?

Таклифларга овоз берганларнинг жуда катта қисми ўша соҳанинг мутахассислари эмас. Шунинг учун кўриб чиқилган таклиф агар амалга ошмаса ҳам қандайдир тартибда сабаблари ҳақида тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ бўлар. Овоз берганлар, таклифни қўллаганлар у нега қабул қилинмаганлигини билишига ҳақли. Шунда овоз берувчиларда уларнинг фикрлари аҳамиятли экани тўғрисида фикр пайдо бўлади. Бу эса одамларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллигини оширади.

Шу кунга қадар "Mening fikrim"га 5418 та жамоавий мурожаат йўлланган ва 28228 та изоҳ қолдирилган. Юборилган мурожаатлар етарли миқдорда овоз тўплаган бўлса-да, унда кўтарилган масала, таклиф, фикр эътиборсиз қолиб кетган ёки инobat-

га олимаган. Яъни, муносиб жавобга эга бўлолмаган.

Масалан, энг кўп овоз жамғарган таклифлардан бирини қўйида келтираемиз.



25 мингга яқин овоз тўплаган бу таклиф, кўриб турганингиздек, 2019 йил 14 декабрда овозга қўйилган бўлса, қарор лойиҳаси 2020 йил 3 июнида lex.uzга жойланган. Маълумот учун, овоз бериш жараёнига 90 кун, овоз бериш тугаган куннинг эртаси кунидан кечиктирмай ваколатли давлат органига жўнатилиши ва мурожаатни кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш муддати 60 кундан ошмаслиги лозим. Демак, умумий ҳисобда кўпи билан 151 кунда таклифга жавоб берилиши керак. 25 минг овоз, очиги, телевизор орқали футбол стадионларида кўрганмиш бунча одамни. Бундан роппа-роса 1 йил аввал

"Mening fikrim" порталида IMEI кодларини рўйхатга олишда тўлов ундиришни бекор қилиш бўйича петиция эълон қилинган эди. Мазкур петиция бор-йўғи 3 соат ичида керакли овоз (10 минг) ни тўплаганди. Бугунга келиб овозлар сони қарийб 25 мингга яқинлашди.

Яна битта мурожаат матнини келтираемиз.

Махсус платформа яратган ҳолда, туман ва шаҳар ҳокимларининг иш фаолиятини шу туманда яшаётган фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан йил давомида баҳолаб бориш механизмини яратиш керак. Бунда халқнинг розилигини баҳолаб бориш асосий мақсад этиб белгиланади. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг туман ёки шаҳар ҳокими фаолиятдан рози ёки норози эканини кўрсатибгина қолмасдан, туман ҳокими фаолиятдан норози бўлиб ёзилаётган шикоят ва аризалар сонининг ҳам кескин қисқаришига олиб келади. Бундан ташқари, ушбу механизм халқнинг нафратини қозонаётган айрим қўштирноқ ичидаги раҳбарларни ошкор этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда самарали механизм вазифасини ҳам ўташи, шубҳасиз.

Бунда ҳар бир фуқаро ёки тадбиркорлик субъекти яратилажак платформага id.uz тизимидаги ўз логин, пароли ёки электрон рақамли имзоси орқали кириб, ўзи истиқомат қиладиган туман ёки шаҳарнинг ҳокимига баҳо беради. Баҳонинг қўйисида ўз муносабатини

шуни кўрсатадики, айрим истиснолардан ташқари, мазкур порталларда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни киритишда халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари ва маҳаллий партия ташкилотлари деярли иштирок этмайди.

Буни эътиборга олган ҳолда, барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлардан келгусида электрон манфаатларига хизмат қиладиган масалалар юзасидан жамоатчилик муҳокамасига қўйилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси бўйича тизимли мониторингни ўрнатиш назарда тутилди.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини амалга оширишга таъсир кўрсатадиган ҳужжатлар лойиҳасини кенг муҳокама қилишда фаол иштирок этишга ҳам келишиб олинди.

Айни кунларда етарлича овоз тўплаб, "Кўриб чиқиш жараёнида" турган бир нечта таклифлар бор. Жумладан, жамоат транспортлари ойналарини қорайтириш ёки бўлмаса, "UZAUTO MOTORS" АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобилларни четдан олиб киришда бож тўловларини бекор қилиш ҳақидаги таклифларнинг тақдирини нима бўлиши кўпчиликни қизиқтирмакда. "Mening fikrim" қонун ижодкорли-

билдиради: бунда паст ёки юқори баҳо қўйиш сабабини тушунтириб ўтади...

"MENING FIKRIM"ДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ИШТИРОКИНИ КУЧАЙТИРИШ

Халқ демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган пленумида бу масала устувор вазифалардан бири сифатида кўрилиб, чора-тадбирлар белгиланди. Таъкидландики, "Қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими" ва "Менинг фикрим" порталлари ишини мониторинг қилиш

гида қарор қабул қилиш жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида, эзгу ниятда ташкил этилган. Унинг самарали ишлаши кўплаб омилларга боғлиқ. Буни тўғри тушуниш керак. Жамоатчилик қўллаган бир қатор таклифлар қонунчиликда ифодасини топаётганини ҳам кўряпмиз. Фақат шуки, мамлакат ривожини, парламент истиқболи учун жамоатчилик фикри, муносабати жуда муҳим.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, Аҳмаджон ҚУРБОНОВ, "Ўзбекистон овози" мухбирлари.

ОХИРИ ҚАЕРДА?

Телеканалларда дори-дармонлар, биологик фаол қўшимчалар рекламиси авж олганига сабаб нимада? Телевидениедаги гапларга қаттиқ ишонгани учун одамларнинг ўзи айбдордир? Телеканаллар пулини тўласа, яхшилиги ёки фойдалилиги исботланган-исботланмаган нарсаларни реклама қилаверадими? Балки гап тиббиёт тизимига ишончандир? Кимлардир дориларга, биологик қўшимчаларга муккасидан кетганидан ҳаётини препаратларсиз тасаввур қила олмайдиган даражага келиб қолдимиз? Саволлар кўп. Ранг-баранг препаратлардан, шифобахшлиги айтилган ичимликлардан кўпчилик мижозларнинг ҳам ихлоси қайта бошлади. Энди ёлгончи ҳиссиётлардан халос бўлиб, телеканаллар, реклама берувчилар, истеъмолчилар нега бунчалик жазавога тушгани ҳақида чуқур ўйлаб кўрадиган вақт келмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги асосий масъул бўлган мутасаддилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова фикрига кўра, томонлар муккасидан кетишининг жуда кўп объектив ва субъектив сабаблари бор. Улардан энг асосийси тиббиётда йўл қўйилган хатолар, деб баҳолайди. Қолаверса, халқимизда тиббий маданиятнинг қандай даражада экани ҳам мана шу ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, дорихоналар тадбиркорлик субъекти кўринишида бўлгани боис ўзининг товарини ўтказиш тарафдори экани ҳам дори рекламаларининг урчиб кетиши омилларидан биридир.

Маълум бўлишича, парламент куйи палатасида бу ҳолатни чуқур таҳлил қилиш кутиляпти. Аслида бу аллақачон қилиниши керак эди, кеч қоляпмиз. Агар ҳар бир депутат ўз округидаги ҳолатни чин дилдин ўрганиб, аҳолининг бу борадаги фикрларини ўрганса, масаланинг ечимини осонлашади. Ана шунда лицензияни ким қандай қўлга киритгани, чиқарилаётган дори-дармонларнинг сифатига жавоб бериш борасидаги ишлар жадаллашади. Одамларга наф келтирувчи иш қилинган бўлади.

Мутахассислар қаердаки тиббиёт қолақ бўлса, ўша ерда фармакологик бизнес ривожланишини таъкидлайди. Энди бир фикр юристайлик, тиббиёт тизими бизда қандай даражада? Афсуски, бу саволга ақсарият ўзбекистонликлар яхши эмас, деган жавобни бергани боис улар сохта, ҳеч бир фойдаси, давоси бўлмаган воситаларга ишонига мажбур бўлмоқда. Аччиқ ҳақиқат шуки, тиббиётга, тиббиёт ходимларига, айниқса, давлат тасарруфидаги даволаш профилактика тиббиёт муассасаларига халқнинг ишончи қандай бўраётгани фармасаноатнинг "пул қилиш" манбасига

айланишига замин яратмоқда. Камига хусусий клинкаларда нарх-наво қиммат, ҳамманинг ҳам қурби етмайди. Дорихоналарда ҳам ана шу аҳвол. Ёши катта, малакали шифорлар тизим ўзгариши керак, деб ҳисоблайди. Фарм назорат, фарм инспекциялар қайта тикланиши ва у вазирликдан алоҳида фаолият юритиши керак. Ана шунда мустақил бўлади, уларга ҳолис фикр билдириш, қамчиликларини таҳлил қилиш имкони ортади. Айни пайтда шу каби таклифлар ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Тўғриси, мен дорилар, хусусан, биологик фаол қўшимчалар рекламасига мутлақо қаршиман. Ҳар қадамда дори рекламиси, намойиш этилаётган фильмдан кўра кўпроқ "Alhadaya" ёки яна бошқа турдаги рекламалар кайфиятга ҳам, руҳиятга ҳам салбий таъсир қиладди. Шунга қарамай, қайта-қайта такрорланиши натижасида уларни истеъмол қиладиганлар ҳам кўпаяди. Бу эса миллат учун, халқ учун ва табиийки, бутун бир давлат учун жиддий хатарларни юзага келтириши мумкин. Агар ўша рекламаларда таъкидланганидек, таклиф этилаётган дорилар шифобахш бўлганида одамлар соғайиб, касалхоналар бўшаб қолган бўларди. Афсуски, бунинг аксига пулига куйган ўзбегим дардига дармон топа олмай сарсон бўлмоқда.

БИОЛОГИК ҚЎШИМЧАЛАР АРЗОНМИ?

Ишим тушмагани боис бу саволга аниқ жавоб айта олмадим. Кеча шу мавзуга қўл уришдан олдин одамлар билан гаплашдим. Зулайхо исмли танишим юраги безовта қилиб тургани учун биологик қўшимчалар савдоси билан шуғуллан-



надиган клиникалардан бирига борган. Биринчи ойда оддий ўтларнинг 3 хилини 300 АҚШ долларига сотиб олган. Таъсирини сезмаган. Бу ҳақида клиникадагиларга айтса, 3 ойда таъсир қилишини тушунтиришган. Шундай қилиб, танишим иккинчи ойда 400 долларга дорилар сотиб олади. Орадан бироз вақт ўтиб, "GUANGZHOU" ҳақида ижтимоий тармоқларда видеолар тарқалади. Шундан кейин Зулайхо ҳам ўйлаб қолади. Афсуски, клиника унинг пулларини қайтариб бермабди. Пули куйганидан ҳали ҳам дориларни ичишни давом эттираётганини ҳам айтиб ўтди.

Кечга бориб, Андижондан келган дугонам ҳам овқат олдикидан иккита қутида дори олиб келиб ичди. Нима эканини сўрадим. Бирор хасталиги борми, деган андишага бордим. У эса бамайлихоти "йўғе, ҳаммаси жойида, "vision"дан биологик қўшимчалар", деди. Табиийки фойдаси ва нархи ҳақидаги саволларни бердим. "Фойдасини сездим. Имунитетни кўтарди, дейишганди. Лекин нархи қиммат. 3 та дори бир миллион сўм ва бу бир курс учун. Камиди учта мана шундай курс олшим керак", деб жавоб қайтарди. Лекин бироздан кейин ҳолсизликдан, тушунмаган оргиқлардан қийнаганини ҳам айтиб ўтди.

Ўйлаб қолдим, дори таъсир қилаётган бўлса, нега тез қарчаб қоляпти? Балким бу шунчаки дангасалик, дейиш ҳам мумкин. Аммо юзларидаги хорғинлик ҳам унинг сўзларини тасдиқлаб турганди.

Иккинчи бир томони, бир эмас, бир неча ўнлаб номда сотилаётган ва биологик фаол қўшимчалар, деб таъкидланаётган воситаларнинг бир курси камиди 3 миллион бўлса... Уларга тавсия қилинаётган воситалар ишончлими? Булар энди бизга қоронғу...

НАҲОТКИ?

Биргина "GUANGZHOU" мисолида олсак, унинг республикамизда 42 та филиали бор экан. Ҳўп, уларга дориларни етказиб бериш ва шунча жойдаги аҳолини қамраб олиш учун катта миқдорда таъминот керак бўлади. Воситалар, хом ашё хориждан келса, 3-4 та самолёт осмондан тушмай учиши керак, дейди мутахассислардан бири. Бироқ буни ҳеч ким на кўрди, на билди. Шунда ҳам масалага масъуллар, руҳсатнома берганлар, назорат ўрнатиши керак бўлганлар негадир сукут сақлашни маъқул кўрмоқдами?

Жамоатчиликни бир қанча саволлар ҳануз қийнамоқда. Чунки "GUANGZHOU" бу ўргамчак тўридек илдиш отиб бораётган биологик фаол қўшимчалар савдоси билан шуғулланувча марказларнинг биргинаси, ҳолос. Бугун у қадар машҳур бўлмай одамлар қўлида, уйда юрган номаълум ва сифати кафолатланмаган воситалар қанча? Ким билади? Лицензия берганлар нега шунча вақтдан бери индамай ўтирибди? Ё одамлар билиши керак бўлмаган нималардир борми?

Жамоат саломатлиги ҳақида қайғуриб, бир ғариброк фирибгар ҳақида марказий телеканалларга лахва тайёрлашга эринмайдиган идоралар ходимлари, назорат қилувчи ташкилотлар нега жим қараб турибди? Ажаб, бир масаланинг ечимини учун у муаммага, ортга қайтариб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолиши шартми?

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.

TABRIKLAR

+18 Қорақалпоғистон Республикаси Хоразм
+22 Бухоро Навоий
+23 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё
+23 Қашқадарё Сурхондарё
+25 Андижон Наманган Фарғона
+23 Тошкент шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi
facebook.com/uzbekistonovozi
instagram.com/uzbekiston_ovozi
info@uzbovozi.uz
www.uzbovozi.uz



БОЙСУН — МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН МАҚОНЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. МАНБАЛАРДА "ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ", ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХУДУД БУЮК ЎТМИШГА ЭГА. ДУНЁ ТАН ОЛГАН "ТЕШИКТОШ", "МАЧАЙ", "СУЛУВКАМАР", "ДҲҚОНХОНА", "ИСКАНДАРХОН" КАБИ МАНЗИЛЛАР ШУ ХУДУДДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛСА, "ПОЙТЎРҒОН", "ҚОЗИМУЛЛАТЕПА", "САРИБАНДТЕПА", "ЯЛАНГЎШТЕПА", "ДАРБАНД", "МУНЧОҚТЕПА" ВА БОШҚА ҚАЛЪА ҲАМДА ШАҲАРЛАР ҲАМОН ҚУРРАЙ ЗАМИН АРХЕОЛОГЛАРИНИ КИЗИҚТИРИБ КЕЛМОҚДА.

Тамаддун бешиги ва тилсимотлар маскани 2008 йилда ЮНЕСКО томонидан "Инсониятнинг номоддий маданий мерос" репрезентатив рўйхатида киритилган. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар икки йилда "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивалини ўтказиш аънонага айлангани эса янада қувонарли.

Бу йилги халқаро анжуман 7-8 май кунлари "Паданг" кенгликларидики ўтаринки руҳда тантана қилинди. Унда ЮНЕСКО, Европа Иттифоқи каби халқаро ташкилотлар вакиллари ва дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан меҳмонлар, санъаткорлар, соҳа мутахассислари, ҳакамлар ҳамда фольклор санъати мухлислари иштирок этишди.

Дастлаб Термиз давлат университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигида "Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Шундан кейин эса тантаналар бошланди. Миллий соғлар, бетакор либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ҳамда амалий санъат асарлари намойиши барчада яхши кайфият уйғотди. Улоқ-кўпқари, кураш ва бошқа спорт мусобақалари меҳмонларга манзур бўлди. Таниқли санъаткорлар ҳамда фольклор жамоаларининг чиқишлари олқишлар билан қарши олинди.

— Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари

публикалари ўртасидаги маданий-маърифий соҳалардаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди Душанбе шаҳрида яшовчи Улуғбек Раҳимов. — Янги замон шарофати билан мамлакатлараро автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатнови қайта йўлга қўйилган бўлса, ундан кейин «Термиз – Душанбе» ҳамда «Денов – Душанбе» йўналишларида автобуслар ҳаракатлана бошлади. Бу дини ва урф-одатлари бир бўлган халқларимизнинг кўп йиллик орзулари ушалганидан далолат беради.

Бу йилги рамазон байрамини сурхондарёлик қариндошлар билан нишонладик. Бетақор "Сангардак" шаршараси, машҳур "Далварзинтепа" ёдгорлиги, ноёб Ал Ҳаким ат-Термизий қадамжоларида бўлдим. Серфайз ва тўкин бозорлар ҳавасимни келтирди.

Миллий аъноа ва қадриятлар мужассам "Бойсун баҳори"дан эса бир олам таассурот билан қайтаёпман. "Паданг"дан янграган чанқовуз садолари ва бахшилар айтишуви меҳмону мезбонларга баҳорий кайфият улашди. Турли тилларда янграган мўъжизакор алёр ва лапарлар кексаю ёшни даврага чорлади. Шуқуҳли шодиёна ва аҳойиб тантаналаримиз кўпаяверсин.

Фестиваль якунида йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

QISHLOQQURILISHBANK

9 MAY

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

"ZAVQLI" muddatli omonati

Omonat muddati	4 oy
Foiz stavkasi:	
▪ bank filiallari orqali	22%
▪ mobil ilova orqali	23%

"Qishloq qurilish bank" – farovon hayotingiz xizmatida!

www.qqb.uz
 78 150 00 55
 1254
 Xizmatlar litsenziyalangan.

"HUDUDGAZ ROYTAHT" GAZ TA'MINOTI FILIALI
жамоаси

меҳнат фахрийларини, азиз отахону онахонларимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш кунин билан самимий қутлайди! Сизларнинг жасоратингиз ва қаҳрамонлигингиз олдида доимо бош эгамиз.

ЮРТИМИЗ ҲАМИША ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

MUASSIS: O'zbekiston XDP Xalq demokratik partiyasi

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV	Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV	Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA	Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV	Toشتهмир XUDOYOQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA	

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 541. 2010 nusxada bosildi.	O'zA yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220.	Topshirilgan vaqti — 14:00.
t — Tijorat materiallari	1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.